



ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН
АДАБИЙОТИ ВА САНАТИ

1956 йил
4 январдан нашр
этила бошлаган


1997
йил

АДАБИЁТИ ВА САНАТИ

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

31 октябрь, № 44 (3519)

УЛУГ МИНОР ИФТИХОРИ



Бухородаги Минораи Калонни юртдошларимиз Улуг Минор деб ҳам таъриф тавсиф этишди. 19 октябрь куни бу муаззам обида бемисл хайратга чулганди. Хуррият шухуддан масрур она юртимиз бутун жаҳон кўз унгида қадим Туркистоннинг бобо шаҳарларидан — Бухорои Шариф ва қадим Хиванинг икки ярим минг йиллик тўйини нишонлади. Бу тўб тантана боис юракларда фахру гурур мавж урди, улуг аждодларимизнинг бетимсол ақл-заковатига, тафаккур ва салоҳиятига жаҳон яна бир бор офаринлар айтди. Улуг шаҳарларимизнинг тўйлари юртимиз озоликка эришган, истиқлолнинг мунаввар нурлари таралган кунларда ўтди. Бундан буюк аждодларимиз руҳи шод бўлган бўлса ажабмас.

Қадим Бухоронинг ҳар қарич тупроғи зиёратгоҳдир. Зиёратгоҳ шаҳарнинг қай бир мназилда бўлманг аждодларимизнинг буюк даҳосидан ифтихор қиласиз. Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд зиёратгоҳи эса ҳаммаси улуг эътиқоддан кунгли чарогон инсонлар билан гавжум. Бу манзилга неча бор ташриф буюрманг, руҳингиз тозариб, покланиб қайтгандай бўласиз. Мусадфо чашмадан сув ичгандек кунглингиз равшан тартади.

Бухорога сунгги сафаримда Файзулла Хужаев уй-музейини кўрган бордик. Оқшом тушиб қолган эди. Аввал бу жойда бўлмаганим сабаб улуг инсон тугилиб ўсган, улгайган манзилни бир қуришга иштиёқим зур эди. Шу сабаб дустларим кеч тўшиб қолган бўлса ҳам меҳмон иззати деб бошлаб боришди. Хали уй дарвозасига етиб бормасимиздан ажиб манзаранинг устидан чиқдик. Ховли олдидаги богча йўлидаги бир мўйсифид киши боғни тозалаб қайтиб, бир қўчоқ ут устида ёнбошлаб чарогини чиқарётган эди. Отаҳон шу боғнинг боғбони экан. Салом-алиқ қилиб улгурмай Файзулла Хужаев уй-музейининг дарвозаси очилиб, ичкаридан бир қўлида дастурхон, бир қўлида чинни қосада оват кутарган атлас кўйлакли аёл чиқиб келди. Менинг хайратим ошди. Музей бекаси асли шимолий улқаларда тугилиб ўсган бўлса-да, халқимизнинг миллий удумларини шу қадар урганиб олибдики, беихтиёр унга тасанно дейсиз. Боғбон отага худди ўзбек келинчакларидек хуштавозелик билан дастурхон тутган бека бизни уй-музейининг ички ва ташқи ҳовлилари, Файзулла Хужаев тугилган хона, бу жойининг удум ва аъёналари билан таништирди. Кетар чоғимиз ҳатто Осиевча қанд-курс билан безатилган хонтахта атрофидан бир пиёла чой ичишга ҳам кундирди...

Мен қадим Бухоронинг тую тантаналари куни бу манзарани ҳам бот-бот эсладим. Улуг аждодларимиздан мерос бўлиб келатган халқимиз аъёналари бу қадим шаҳарда, ҳатто XX асрга ҳам файз бағишлаб турганини ҳис этдим. Кунглимда ажиб ифтихор туйдим.

Бугун Бухорою Хивага ташриф буюрган ҳар бир киши бундай ифтихорни бу муаззам шаҳарларнинг ҳар бир гушасида ҳис этиши тайин. Хавлда мухрланиб қолгани эса, тўй тантаналари авжага чиқиб, Бухоро осмонига сунсиз рангин машъалалар отилгани бўлди. Уша кезларда Улуг Минор ҳам бемисл хайратга чулгандай эди. Бу чинакамга улуг дамлар, чексиз ифтихор онлари эди.

Озод юртининг эртаниги ҳар бир куни ана шундай улуг шодийналарга мушаррафдир.

М. АБДУЛЛАЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНАТИ»ГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА



ХИВА ВА БУХОРО РАССОМЛАР НИГОҲИДА

Хива ва Бухоро шаҳарлари қадимдан санъат ва адабиёт аҳли уюм илҳом ва ижод манбаи бўлиб хизмат қилиб келган. Бу икки қўна шаҳар замондош расомларимизнинг ҳам диққат эътиборида. Буни куни кеча Ўзбекистон Бадий академиясининг Марказий курғазмалар залида Хива ва Бухорога атаб очилган республика расомларининг курғазмаси ҳам яқоқ исботлади. Унда қўйилган асарларнинг жанр ва йўналишлари турлича, лекин бариси 2500 йиллик тари-



хи билан дунё цивилизациясида уз ўрни ва аҳамиятига эга бу икки қўна шаҳарнинг шонли, унутилмас уммиши, бунёдкор бугунги, ёруғ келажигидан ҳуюқа қилади. Картиналарни томоша қиларкансиз, беихтиёр Президентимизнинг мана бу сузлари эсга келади: «Узининг келиб чиқишини, манбаларини, шахсий дунёқараши ва маданиятини унутмаган халқ хурмат ва ҳайратлаштиришга лойиқдир».

Оқшом ва кундуз, ою йиллар, асрлар, доимий суръатда алмашиб, айланиб турувчи бу ҳаёт, бу дунё, бу жафокаш она замин не-не воқеа-ходисотларни бошидан ўтказмаган дейсиз. Ёруғлик ва қоронғулик, яшиллик ва ёмонлик, маърифат ва жаҳолат, уруш ва тинчлик... Худдики ер уз ўқи атрофидан айлангандек, буларнинг бари-бариси инсонга боғлиқ равишда, унинг атрофидан айланади, содир бўлади. Дунёнинг ана шу қўна, абадий фалсафаси курғазмага қўйилган ҳар бир асарда акс этиб турибди.

Расом Ренат Мансуров Бухорони севади, ҳаётини таянчини, ижодий сурур ва ҳузурни ана шу қадридон маскандан бетилади ва топади. Унинг биргина «Бухоро усталар шаҳри» асари киши фикру ҳаётига оламча мазмун бахш этади. Р. Мансуровнинг «Ховли», «Бухоро мусиқчилари» картиналарида ҳам минорлар,


гумбазлар, нарвон, чархпалак, тандир, ўчоқ, танбур, сурнай каби бу дунёда инсон ҳаётининг азиз ва муқаррамлигини қайта-қайта қайд этувчи, таъкидловчи маъно ва тушунарлар муқассамлашган.

Расом Ориф Мўминов ун йиллар давомидан яратган асарлари туркумини «Бухоро — менинг дардим» деб номлаган. Уларга боқаркансиз, санъаткор дарди сизга ҳам беихтиёр «юқад» — юрагингизда аччиқ оқиши туйсиз...

Люба ва Борис Бринскилар ҳам Бухоро шарафига туркум асарлар яратган. Бухоронинг узига хос рангли тупроғи, узига хос ҳавоси, узоқ йиллар давомидан кўш ва ёгингарчиликлар таъсирида узига хос кўриниш касб этган иморатлари, содда-самимий меҳнаткаш одамлари... Буларнинг барини қуриб, асл санъатдан баҳрамандлик туйғуси руҳингизга энглик, осудалик бахш этади.

Тура Куръезов Хоразм фарзанди, ана шу юрт қўйчиси. Унинг «Жалолитдин», «Хива йуллари», «Оллоқулжон», «Хўна Урган», «Нажмиддин Кубро», «Уйғониш» картиналарининг ҳар бири тугал воқеа, том маънодаги санъат асаридир.

А. Перов мўйқаламига мансуб «Халқ устаси Ота Полвонов» портрети...



Қартайиб қолган, лекин нигоҳлари уткир, руҳан бардам уста ўзи яратган нақшинок дарвоза ёнида турибди. Инсон, санъат ва меҳнат тушунарлари уйғунлиги муқассам бу картинада.

Г. Ткачев, П. Мордвинцев, Э. Машарипов, О. Юсупов каби расомларнинг Хоразм юрти, табиат қурилишлари, одамлари ҳақида ҳуюқа қилувчи асарлари ҳам диққатни тартади.

Курғазмани томоша қилиб бўлган, кунглидан шундай фикр ўтади: Хива ва Бухоро... Елкасида минг-минглаб йилларни ортмоқлаб келатган қўна, лекин ҳамиша навуқрон бу шаҳарлар хали яна қанчадан-қанча қалбларга нур ва илҳом бағишлайди.

Д. САЙДОВА



ТИЛ — ДИЛ ОЙНАСИ

Тошкент Давлат иккинчи тиббиёт институтида ўзбек тилига давлат мақоми берилганлигининг саккиз йиллигига бағишланган «Тил — дил кузгуси» мавзюда адабий-маърифий кеча ўтказилди. Институтида таҳсил олаётган русийзабон миллат вакиллари ўзбек тили ва адабиётини, миллий аъёналарни янада чуқурроқ урганишга мўлжалланган анжуманда таниқли шоирлар Н. Нарзуллаев, И. Отамурод иштирок этиб, ўз шеърларидан ўқидилар. Хушоов хонанда Б. Холжужаев ижро этган қўшиқлар

анжуманга завқ бағишлади.

Шунингдек Тошкент шаҳридаги Назир Тўрақуллов номидаги 283-мактабда ҳам тил байрами ҳамда Абдулхамид Сулаймон Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига бағишланган анжуман ўтказилди.

Мақтаб директори Назаров Бахтиёр, ўқитувчилар Содилов Анорбекова, Машхура Аъдина, Умида Низомутдинова саъй-ҳаракатлари билан ташкил этилган анжуман бағоят қизгин тарзда ўтди. Анжуманда намойиш этилган бадий дастурда ўқитув-

чиларнинг она тилимизга меҳр-муҳаббатлари, Чўлпон асарларини пухта ўзлаштирганликлари ифодоланди.

Шоирлар Муқаррама Муродова ва Рустам Муслимов шеър ўқидилар, болаларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

Чилонзор туманидаги 336-сонли «Шабнам» болалар богчасида ўтказилган тил байрами узига хос моҳият касб этди. Туман миқёсида бўлиб ўтган ушбу анжуманда 534, 291, 585, 204, 536, 230 сонли болалар болалари фаол қатнашдилар. Турли миллат болалари ўзбек тилида шеър уқушқлар айтдилар.

Янги нашрлар «МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАДАНИЯТИ»

Марказий Осие халқлари маданияти Ассамблеясининг нашри — «Марказий Осие маданияти» газетасининг 3-сонни нашрдан чиқди. Газетанинг биринчи ва иккинчи саҳифалари Бухоро ва Хива шаҳарларининг яқинда бўлиб ўтган 2500 йиллик туйига бағишланган. Шу муносабат билан газетанида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қадимий шаҳарларимиз юбилейига бағишланган тантанали маросимлардаги табрик сузи эълон қилинган. Шунингдек, ноябр ойда Ўзбекистон пойтахтида очиладиган Халқаро «Осие-АРТ» курғазмаси ол-

дидан Ўзбекистон Бадий академияси раиси, таниқли расом Турсунали Қўзиев билан суҳбат берилган.

Газетанинг 3,4,5,6-саҳифалари қозоқ, қирғиз, тожик ва рус тилларидадир. Сиз қозоқ тилидаги саҳифада қардош адабиётлардан таржималар, қирғиз тилидаги саҳифада эса Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг «Юрак ва ақл» шеъри, таниқли қирғиз драматурги Мар Байжиев ҳақида ёзувчи Эркин Усмонов мақоласини ўқийсиз.

Тожик тилидаги саҳифада профессор Ҳомидхон Ҳомидийнинг олима Муқаддима Ашрафий ҳақидаги мақоласи,

САҲИФАЛАРИДА

шунингдек, ҳазрат Алишер Навоийнинг «Ҳикматлар» и берилган.

Рус тилидаги саҳифада профессор Абдуқодир Эргашевнинг минтақамиз эколог мувозанатига доир мақоласи, шунингдек, Ўзбекистон пойтахтида бўлиб ўтган муҳим халқаро маданий тадбирлар ҳақида ахборот ва лаҳзалар эълон қилинган.

Газетанинг 7 ва 8-саҳифалари ўзбек тилида. Бу саҳифаларда сиз профессор Беғали Қосимовнинг «Тоҳир Чигаётининг Бамбергдаги шогирди» мақоласи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукр Холмирзаевнинг «Дарवेश» сарлаҳвали янги ҳуюқсининг бошланғичини ўқийсиз. Газетанинг нашр курсаткичлари қўйидагича:

Якка обуначилар учун — 156; (Тошкент шаҳрида йиллик обуна баҳоси 612 сўм).

Ташкилотлар учун — 157. (Тошкентда йиллик обуна баҳоси 852 сўм).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида «Жаҳон адабиёти» журнали таҳририяти аъзолари билан ижодий мулоқот бўлди. Мулоқот аввалида Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи уринбосари Йўлдош Сулаймон журнал таҳририятини қисқа вақт ичда эришган муваффақиятлари билан табриклади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов мустақил юртимизда «Жаҳон адабиёти» журналининг қўқ этилиши катта адабий воқеа бўлганини таъкидлади. Энди жаҳон адабий муҳитини кузатиш ва унда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлаётганимиз тўғрисида сузлади. «Жаҳон адабиёти» журнали бу катта ишнинг дебонасидир. Хали олдимизда бу борада бир қатор масъулиятли вазифалар мавжуд. Биз уларни биргаликда,

Ўқима КЎЗДАН ЙИРОҚ - СЎЗДАН ЙИРОҚМИ?

Сунгги йилларда юртимизда бозор эркин нафас олиб, унинг тармоқлари қўпайди: ҳар бекатда бир дўкон, ҳар чорраҳада бир гузар. Бу — яхшими, ёмонми? Менимча, бир томондан жонинг роҳати улар. Негаки, одамларга кунда керак бўладиган маҳсулотлар шундоққина уларнинг йўллари ўқасига, турар жойлари оstonасига келтириб қўйлаётган бўлса! Мазза! Ҳам йўл яқин, ҳам вақт тежалди. Қолаверса, тонгда полизу ишқомолардан янги узилган меваю сабзавотлар, сархил ошқўқларни истеъмол қилишининг ҳам руҳий, ҳам тиббий афзалликларини айтмайсизми.

Ҳар қандай қўлайлик одамларга хуш келишини билган тадбиркорлар аввал-аввал йўл бўйига бир халта-бир халтадан писта келтириб, ёғоч ним қосаларда майдалаб сотиб юришди. Кейин унинг ёнига бир ҳовуч қурут қўшилди. Хурозқанд ёнига ранг-баранг сизгалар дегандай... Кашинчу район бойламлари ёнида тикланган олма-анор гумбазлари харидорларнинг катта бозорларга борар йўллариной бойлади-қўйди...

Бу ҳол фаол жамоатчилар билан мутасадди кишиларнинг эътиборидан четда қолмади, албатта. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан бундай гавжум жойларда кичик бозорчалар лойиҳалаштирилиб, 20—50 савдо уринли тим ва расталар қурилди. Уларни туман марказий бозорлари ўз тартибига олди. Энди авваллари ҳар қадамда чук тушган ёлмачиларни бир ерга жамлаган шинам, ораста гузарларда савдо-сотик қайнади...

Лекин...

Ушбу лўқмани ёзишдан мурда ҳам ана шу «лекин»да. Шаҳар бозорларининг таркибий қисми саналган бу гузарлар назоратдан четда. Уларда тартиб ҳам, нарх-наво ҳам ўз ўрнинга. Гузарчада яқин-атрофда яшайдиган, дала четини ҳам қурилаган олиб-сотарлар бу қўлай масканларни аллақандон ўлариники қилиб олишди. Улар эрталаб — марказий бозорларни орабди, у ердаги энг арзон молларни харид қилиб келиб, гузарчада аслидагидан камда икки бараварига пуллашмоқда. Ишдан кеч қайтган, ёки омборининг бўшагиндан бонига қолган кишилар эса ана шу «ҳожатбор»лардан бонига барака қилишга кўникиб қолишди... Бу билан биз яна деҳқонга бозорларда кенг йўл бериш урнига олиб-сотарчиликни авж олдирмаймизми?

Бундай бозорчалардаги сотувчилардан фақат патта пули йиғишни биладиган бозор директорларидан бериға мурожаат қилиб, қўқориди аҳволга барҳам беришини сурадим. Гапимга жавобан у шундай деди:

— Бозоридан «сотатган маҳсулотинг уз боғиндада етиштирилгани»-йўқми? деб таъкид қиладиган замоналар утиб кетди. Ким нимани, неча сўмга сотишни истаса, уз иши. Мен мелёса эмасман, уларнинг паспортини текширадиган!

Ажабо, унда гузарлардаги маҳсулотларнинг тиббий-санитария аҳволини назорат қилиб туриш ҳам бошқаларнинг иши экан-да! Унда гузарлар нега бозорларнинг тасарруфига берилган?

М. МУРОДОВА

ИЖОДИЙ МУЛОҚОТ

баҳамжиҳат ҳал этишимиз даркор, — деди у.

Журналнинг бош муҳаррири Озод Шарофиддинов «Жаҳон адабиёти»нинг келажакдаги мақсад ва вазифалари, режалари билан таништирди.

Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича уринбосари Мухаммад Юсуф «Жаҳон адабиёти» журналинда ёш ижодкорларнинг ҳам фаол иштирок этишларини таъминлаш хусусида сузлади.

Таниқли шоирлар Нормурод Нарзуллаев, Мирзиз Аъзам, Мирпўлат Мирзаев, ижодкорлар Мақдам Мақмуд ва Раъно Азимовалар ҳам сузга чиқишди. «Жаҳон адабиёти» журнали хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор этдилар.

«Жаҳон адабиёти» журнали таҳририят ҳодимлари билан шундай учрашув Тошкент Давлат Жаҳон тиллари университетининг таржимонлик факультетида ҳам бўлиб ўтди. Бош муҳаррир Озод Шарофиддинов журнал тематикаси, мавзуси ва вазифалари ҳақида сузлади.

Таҳририят ўз фаолиятидаги дастлабки учрашув учун Давлат Жаҳон тиллари университетини танлаш бежиз эмас, чунки бу даргоҳда ҳар йили унлаб ва юзлаб таржимон мутахассислар етишиб чиқади, улар нафақат мамлакатимизда, балки чет элларда ҳам турли соҳаларда фаолият кўрсатадилар. «Жаҳон адабиёти» журнали ҳам асосан таржима асарларини чоп этиб, ўзбек

халқини дунёнинг турли миллият адабиёти намуналари билан таништириб боришга мўлжалланган.

Таржимонлик факультети декани Омон Мўминов ҳозирги пайтда университетда 30га яқин хорижий тиллар ургатлаётгани, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган, аудиторияларда унлаб тил марказлари фаолият кўрсатиб тургани хусусида сузлади.

Журналнинг Фарб, Шарқ, танқид ва адабиётшунослик, шеъринг бўлимларининг мудирлари ҳозир қилинаётган ва келажакда қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида талабаларга сузлаб бердилар. Талабалар ва таҳририят ҳодимлари уртасидаги журнал фаолияти ва умуман адабиёт, таржима ва маданий соҳалар билан боғлиқ савол-жавоблар эса учрашувга жонлиқ бахш этди.

Амир ФАЙЗУЛЛА

МИСР МАТБУОТИ ХАБАРЛАРИ

Яқинда Қоҳирада доктор Аҳмад Фатҳий Сурур раислигида ўтган парламентлараро иттифоқ мажлисида Демократия тўғрисида жаҳон декларацияси лойиҳаси тасдиқланди. Унда Демократия — жаҳон миқёсида эътироф этилган тамойил экани, у жаҳон ҳамжамиятидаги барча халқларнинг маданий, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳолатларидан қатъи назар, муштарак қадриятларга асосланиши — лойиҳадан қузланган асосий мақсад эканлиги таъкидланди.

Хужжатда Демократия — бажарилиши керак бўлган тамойил экани билан бирга, у муайян тўзумга унга мос равишда тадқиқ этиладиган ҳукмронлик шакллари билан бир халқ экани, унда таърибалар, маданий хусусиятлар турли бўлса-да, халқаро миқёсида эътироф этилган тамойил ва уламлардан четга чиқмаслик лозимлиги ўқдирилди.

Миср сармоялар бошқармаси томонидан ишлаб чиқилган режада маҳаллий ва ажабий сармоядорларнинг мамлакат ҳаёти барча соҳаларида ҳеч бир қийинчиликсиз ўз фаолиятларини олиб боришга шарт-шароит яратиш қуздатилган. Бундан қузланган асосий мақсад — мамлакатга келаятган сармоялар оқимини янада қучайтиришди. Ҳукумат режалари билан аср адоғига келиб, мамлакат иқтисодиётига жалб этилаётган сармояларнинг умумий миқдори 3 миллиард долларга етиши керак.

Мисрнинг Луксор районидagi Шохлар водийсида олиб борилаётган қидирув ишлари натижасида Рамзес II нинг фарзандлари макбарасида яна 46 та хона борлиги аниқланди. Ҳозирга қадар маъмур макбарадан топишган хоналар сони 108 тага етди. Уларга ҳар бири 48 метр узунликдаги 6 та тор йулак бошлар борар экан. Утган аср охирида макбара илк бор топилишида у ерда атиги 2 хонадан маъжуд бўлса керак, деб ҳисоблашган эди.

Тарих ва археология билан шуғулланувчи олим ва мутахассисларнинг фикрича, макбарадagi қидирув ишлари қутулмаган илмий натижаларга олиб келиши мумкин. Улар топишган хоналар жаноза уриндиқлари учун мулжалланган бўлиши эҳтимолдан холи эмас, деб ҳисобламоқдалар. Чунки тор йулаклар пастга қараб тушган ҳолда тугайди. Демак, улар пастдаги майит дафн этиладиган катта хоналарга олиб бориши ҳам мумкин. Бошқа бир олимлар бу хоналар Шоҳ Рамзес II нинг қизлари дафн этилган жой бўлиши ҳам мумкин, деган тахминни илгари суришмоқда.

Жаҳон банки ва Халқаро валюта фондининг Гонконгда ўтган йиллик йилгилик кўнлари Америкада чиқадиган «Хэральд трибюн» газетаси Мисрда бағишланган махсус илова билан чоп этилди. Унда жаҳон оммавий ахборот воситаларининг бу юрт тўғрисидаги илқ фикрлари билан бирга мамлакат иқтисодиётида кулга қиритилаётган ютуқларга ҳам алоҳида ўрин берилди. Мисрда сунгги йилларда қад ростишган турар-жой қурилишлари, саннат ва ишлаб-чиқариш шарҳчалари, эркин иқтисодий минтақалар, сармоятабл лойиҳа ва дастурлар ва улар мамлакатнинг қайси ҳудудларида жойлашганини курсатувчи харита ҳам иловадан урин олган.

Жамоа ҳужалиги раиси А.Қуҷоргов бундай ўрачуварларнинг пахтакорлар гайратига гайрат қушишини айтиб, санъаткор ва аҳли қаламга миннатдорчилик билдирди. 1934 йилда ташкил этилган ўш жамоа ҳужалигининг салкам минг гектар пахта майдонини бўлиб, айна пайта ҳужалик деҳқонлари ҳашарчилар ёрдамида кунига ўч ярим-турт фойздан пахта топширмақда.

Ўз ахборотинимиз

1. КАТТАЛАР УЎТИНИ ОЛГАН КАМ БУМАЙДАН

Бир кунни туман раҳбари уни ҳузурига чақириб, дабдурустан: — Сени Юмалоқ тўқайдаги ҳужаликка юборишга қарор қилдик. Уйлашингга икки кун фурсат, — деди қатъий оҳангда ва сенга жавоб, бошқа гапга урин йўқ, дегандай бош сиктириб қўйди.

Раҳбарнинг сўзига нима дегарини билмаган Машарип айтмоқчи бўлган гапини ичига ютганча хонадан чиқди. У ташқарида илк баҳор ҳавосидан туйиб-туйиб нафас олди. Шу пайт миясига бир фикр келди: эл қаҳқудоси Искандар ота билан маслаҳатлашсаммикан...

Вилоятдагина эмас, республикада ҳам катта обрўга эга Искандар Дусов уни ун беш йил қаноти остида тарбия қилди: таъбелчиликдан ҳисобчиликка, бош иқтисодчиликка, ундан ҳужалик ёшларига сардор бўлишигача ўзи қўллади. Шу даврда олиғоҳда сирдан ўқиб бухгалтер-иқтисодчи деган дипломини олишгача қумалашди. Мана, туртинчи йилки, туман ёшлар кўмитасида етакчи. Унинг бу поғонага кўтариллишида Искандар отанинг катта хизматлари бор. «Хойнаҳой Воисов айтган гапдан отанинг ҳам хабари бўлса керак. Лекин нега мена индамадийкин?»

У шу ҳаёл билан яна бир оқсоқол — раис Абдулла ака Худойберганов ҳузурига елдек учиб борди. У ҳам Дусов каби Боготнинг обрўли даргаларидан. Дилқаш, қалби бегубор инсон. Машарипга отадек меҳрибон...

Абдулла акага котиб билан бўлган воқеани айтиб берди. Худойберганов эса қошларини чиқариб бирпас уйга толди, сунг салмоқ билан гап бошлади:

— Ешуллилар бир гап айтганда «йўқ» дема, углим. Чунки улар бирон масалани ушча-ченаб, сени шу ишга лойиқ деб топишган, демак ишонибсан сенга. Кучинг, билминг, узми-ҳўлмини таърибанг бор, уздайласан. Хўп деявер, кам бўлмайсан.

Машарип шу кунни Искандар Дусов ҳузурида ҳам бўлди, у ҳам Абдулла ака фикрини такрорлади.

— Дадил бўл, нима кумак керак бўлса, таъйирман, — деди отахон Машарипга. Ешуллилар маслаҳати унга далла бердики, ҳайтовур Машарип раҳбар белгилаган вақтда унга бориб ижобий жавоб берди.

— Узим ҳам рози бўласан, деб уйлагандим, — дея унинг кўлини сиқди М. Воисов. ...1971 йилда Юмалоқ тўқайда шолчиликка иختисослашган давлат ҳужалиги ташкил этилиб, унга Анатолий Иванович Тегай уч йил раҳбарлик қилди. Туман ҳужаликларининг тўқайдаги ерлари ва янги ушлаштирилган майдонлари 1000 гектарга етказилди. Янги ерларда шולי ҳосили чакки бўлмади, гектар бошига 28-30 центнердан қирмизи дон олинди. Лекин ерларни яна кенгайтириш, ҳосилдорликни ошириш мумкин эди. Аммо ҳужалик раҳбарияти ҳа деганда бу имкониятлардан фойдалана олмасди, бунинг устига директорнинг саломатлиги ёмонлашди.

Шундай қилиб, 1974 йилнинг илк баҳориди ҳужаликка М. Кувақов раҳбар этиб тайинланди. Туман ёшлари билан ишлаган даврларида ҳам у бу ерга хизмат юзасидан бир неча бор келган эди. Аммо ҳужалик тақдири ўз қўлига утганидан кейин унга бошқача назар билан боқди.

2. РАҲБАРНИНГ ҚАНОТЛАРИ

Ҳа, ҳақиқатан ҳам Юмалоқ тўқайда шולי етиштиришни қупайтириш борасида қуп иш қилса бўлади, деб кунглидан ўтказди янги раҳбар. Ҳужалик ўчун янги ерлар очиб билан бир қаторда, уй-жой, ишлаб чиқариши, маданий-маиший бинолар қуриш ишлари кенг қуламда бошлаб юборилди. Ушлаб турар-жойлар билан бирга урта мактаб, болалар богчалари, клуб, устахона, маъмурий бинолар қад кўтарди. Турар — жойларга ошлаб оиналар қучирилди.

Ишнинг қучини биладиган таърибалар, маълумотли кишилар ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкаларига, бригадаларга бошлаб қилиб қўйилди. Машарип Ражабов, Искандар Сафаев, Қодир Оллоберганов, Рустам Султонов, Исмоил Жабборов, Шоназар Матекубов, Самандар Сафаев

лар Машарип Кувақов билан бирга иш бошладилар ва ҳар бири 15-20 йилдан бери бригадаларга ўзликсиз раҳбарлик қилиб келмоқдалар. Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси — дам олишга чиққан фаҳрий Искандар Сафаев ишини угли Ҳакимбой Сафаев давом эттириб, йирик ишлаб чиқариш бригадаларидан бирига етакчилик қилмоқда.

Бу соҳада ўтказилган тадбирлар ўз самарасини бера бошлади. 2-3 йил ичида ш

Қаҳрамонлар ҳақида ҳикоя қиламиз

ИСТИҚБОЛГА ЮЗ ТУТИБ...

ли ҳосилдорлиги гектар бошига 28-30 центнердан 45-50 центнерга кўтарилди, ялпи ҳосил икки баравар қупайди. Шундай қилиб, М. Кувақов раҳбарлик қилган дастлабки ўн йилда, яъни 1974-1984 йиллар мобайнида деҳқончиликбоп майдонларга янгидан 2000 гектарга яқин ер қучилди. Бошқа жойлардан қучиб келтирилган 300 олоқа доимий турар-жой билан таъминланди. Хонадонларни электрлаштириш, табиий газ билан таъминлаш ишлари тугалланди, тоза ичимлик суви ўтказиш чоралари қурилди.

Ҳужаликда мутассиснинг урни, унинг ишлаб чиқаришдаги маъқега алоҳида эътибор билан қаралапти. Улар ҳужаликнинг ҳал қилувчи тармоқларига қўйилган. Еқуббой Рузиев деҳқончилик буйича раис уринбосари, Комилжон Абдуллаев бош ҳосилот, Орткибой Тоҳиев бош иқтисодчи, Юсуфбой Нурматов бош ҳисобчи, Курёз Абдуллаев, Аминбой Примов богдорчилик буйича мутасадди. Уларнинг ҳаммаси олий маълумотли мутахассислар. Ҳозирги вақтда ҳужаликнинг ҳамма тармоқларида (юқори ва урта бугин кадрларини қучиб ҳисоблаганда) 70 дан ортик малакали ходимлар 1300 ишлаб чиқарувчилар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда.



билан шуғулланар эди. У ишларимиз билан танишар экан, шундай катта имкониятларга эга бўлган жойда ҳужалигимизнинг фақат шолчилик билан шуғулланиб келаятгани, нега уни қуп тармоқли ҳужаликка айлантириш мумкин эмаслигини айтиб қолди. Мен унга бу ҳақда ўйлаб қуришни ваъда қилдим.

...Шу сўхбатдан кейин М.Кувақов қуп ўйлади, фикр юритди. Бу ҳақда мутахассислар, кекса деҳқонлар билан бамааслахат иш тутди. Келгуси йилдан бошлаб чорва учун бир қисм майдонлардан маккажўхори, беда, бир йиллик ҳашаки ўтлар жой ола бошлади. Раҳбарнинг яна бир орзу

си бог яратиш бўлди. Қуплар унга шולי экилган жойларда бог яратиб бўлмайди, мевали дарахтлар заҳда нобуд бўлиб кетади, деган фикрини айтишди. Қупни қурган таърибалар одамлар эса баланд ва атрофидан заҳхаш ўтказиладиган далаларда, сўзсиз, бог барпо қилиш мумкин, деган фикрни ўртага ташладилар.

Бу фикрни мутахассислар ҳам қувватлашди. Шу тариқа,

далалар танланиб, ҳар йили эрта баҳорда мевали дарахтлар ўтказиладиган бўлди. Ҳужаликда бог майдонлари 110 гектарга етказилди. Ҳивбонболар бундан мустансо.

Шу билан пахтачилик, дончилик ҳам ҳужаликнинг етакчи тармоғига айланди. Айниқса, бугдой ўрнига шולי, маккажўхори, полиз экинлари, кунжут экиб, ердан йилда икки марта ҳосил олиш йўлга қўйилди.

4. ИСЛОҲОТЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

Ҳужалик йилдан-йилга юқсалишининг оидин уфқларига дадил кўтарилиб бораверди. 1986 йилда бошқа жойларда бўлгани каби Хоразмда ҳам қишлоқ ҳужалик бошқармаси неғизиди агросаноат уюшмаси тўзилди. Бу комплекста қишлоқ ҳужалиги билан шуғулланадиган ва ундан чиқадиган маҳсулотларни қайта ишлайдиган ташкилот ва корхоналар қиритилди. Унинг раҳбариятига қишлоқ ҳужалиги ишлаб чиқаришида катта таърибага эга бўлган кадрлар танлаб қўйилди. Машарип Кувақов эса вилоят агросаноат уюшмаси раисининг иқтисодий ислохотлар амалга ошириб тайинланди. Бу вазифа

«ЁЗУВЧИ»ГА ОБУНА БЎЛИНГ

Мамлакатимиз адибларининг «Ёзувчи» газетаси келгуси йилда ҳам ҳар 15 кунда бир марта ҳафтанинг чоршанба кунлари чоп этилади. Газета саҳифаларида сиз таникли ёзувчи ва шоирлар билан инсон ва жамият, адабий жараённинг муҳим хусусиятлари ҳақидаги ижодий гурунглари, адибларнинг янги асарлари ва хотираларини, мунтазам ўқиб борасиз. Шунингдек, адабий танқидий мақолалар, маънавият муаммоларига доир чиқишлар, «Жаҳон адабиёти» журналининг янги сонларида эълон қилинаётган асарлар билан ҳам танишасиз.

Яна бир янгилик шундан иборатки, 1998 йилда «Ёзувчи»нинг айрим сонлари саккиз саҳифали, яъни унинг ички

тўрт саҳифасини букланадиган шаклда «роман-газета» қилиб чоп этиш қузда тутилмоқда: газетанинг ички саҳифаларида сиз ҳажми тўрт босма тобоқчага бўлган қиссалар ва йирик бадий асарларни бир соннинг ўзидидаёқ тулиқ ҳолда ўқиш имконига эга бўласиз.

ОБУНА БАҲОСИ ТОШКЕНТ ШАҲРИДА 1 ЙИЛГА:
Якка обуначилар учун — 432 сўм;
Ташкилотлар учун — 552 сўм.
(Обуна баҳоси бошқа вилоятларда ҳам шу нархга яқин миқдорда).
Газетанинг нашр қўрсаткичлари:
Якка обуначилар учун — 129.
Ташкилотлар учун — 130.

Обуна-98

МАВЛОНО ҲАЗРАТЛАРИ НУРИ

Раҳматли Шавкат Раҳмон сурнукали даради бир қарра енгиб, ўз оёқлари билан кучага чиққан келардида «Гулистон» журналига таъриф буюрди. Ушанда журнал таъриҳияти жаридалар мажмуининг еттинчи қаватида жойлашган бўлиб, муъжазгина кунгай хонамиз вп-вруг эди. Омонсиз дард билан олиша-олиша ҳийла толиққан шоирнинг юзқуларидидаги, бир ёзувчи дустим қивс этганидек, алланечқу қушиқига ухшаб кетгувчи ифода янада қуқлашган, туррироғи эзилган чехраси асабий, бироқ улғувор ва қатъий эди.

— Нима бу? — деди стол юзидида арабий имлодаги саҳифаларга ишора қилиб шоир. — «Маснавий», — дедим сочилиб ётган арақларни йиғиштира бошлаб. Ростки, бетакор испан шоирини асладан турпидан-турги уғришдек буюк бир мардонаварликни адо этган бу инсон ҳузурида узимни шу даражада лаъқатсиз сездимки, қани бир-икки байтини ўқиб берингчи, деб қолмасайди деган хавотирда эздик билан арақларни тортмага ташладим.

Шавкат Раҳмон «Маснавий»нинг «Гулистон» саҳифаларида бир йилдириқ сонмасон босилаётган лаҳзаларини ўқийлмади. У узининг бир дилбар мусаввир чизган маънос портретини, энг сунгги шоғирди Алишёр Нарзуланинг фавқуллодда ҳазин шёърларини ҳам қурмади. У қайтиб «Гулистон» журналига келолмади...

«Гулистон» олтинчи йилдан

Н.Боқийнинг янги «Татаббуъ» романи, балки энг сунгги ишқий шёърлари босилар. Аммо Мавлоно Жалолиддин Румийнинг Шавкат Раҳмон қуролмаган «Маснавий» маънавий»си, сўзсиз, босилаверди. Зеро, «Пахлавий тилидаги Еро» деб таърифланган бу буюк битик мусулмон Шарқ илохий фалсафасининг нурномасидир.

«Гулистон»га обуна бўлсангиз, Мавлоно ҳазратлари нуридан баҳраманд бўлгайсизлар, иншооллоҳ.

Журнал индекси — 820
Бир йиллик обуна баҳоси — 366 сўм.
Аскар МАХКАМ,
бош муҳаррир уринбосари



Куз

Одам боласи учун. Ҳасан Кайфий айтмоқчи, «Ақл билан меҳнат омон бўлса бас». Лекин дунёда меҳр-оқибат, раҳм-шафқат, яхшилик, эзгулик сингари гаплар ҳам бор. Афсуски, биз гоғил бандалар бўлар ҳақида қупда ўйлаб ўтирмаймиз. Йиллар ўтиб кетаверади...

Уткинчи йиллар узлари билан бирга биз ҳали қачонки англаб етмаган азиз инсонларни ҳам олиб кетиб қолади. Биз бунни кечроқ англаймиз ва фалончи ундок одам эди, пистончи бундок одам эди, деб эслаб юрамиз.

Ҳа, раҳматли устозим Рустам ака Раҳмонов ҳам иборатли фазилатлари қуп инсон эди. Агар у киши ҳали ҳаётлик чоғларида иборатли сифатларини узларига айтиб, яхшиликларини эътироф этиб турганимизда, ишонаманки кунгли анча кўтарилган, янада барақали ижод қилган бўларди.

Лекин у камтарин инсон бундай таърифга таҳсинлар изҳорига йул бермасди. Ҳа, узи ҳақида гап очилиб қолса, сўз пайновини бошқа ёққа буриб юборарди. Аслида, қалам билан 40 йил сирлашган, уни «кетмоним» деб ардоқлаган, «Қутлуг қадам» романи, «Севги қаримас», «Меҳр қузда», «Келин» каби қиссаларнинг муаллифи Рус

ЯХШИЛАРГА ЖОН ЭДИ БИЗНИНГ РУСТАМ АКАМИЗ


там Раҳмонга мақтов не ҳожаз узи? Рустам Раҳмоннинг республикамиз газета-журналларининг салкам ярим асрлик тахмини қатида яшаётган мақолалари, очерклари, одоб-ахлоқ ҳақидаги публицистик лаҳзалари, залворли фелетонлари устозинг жушқин, серқирра, сермахсул ижоди ҳақида гувоҳлик бериб турибди.

Мен Рустам акани қаламқашликни ниҳоятда муқаддас санаган, имонли ижод соҳиби сифатида биланман. У иложи борича ростгуй қалам тебратишга ҳаракат қилган. У журналистларнинг моддий хиҳаддан бойиб кетмаслиги сабабини ҳам ўзича шарҳларди. «Қаламқашлар ёзларларида, баъзан ёлгон, муболага аралашади. Масалан, далаларда кетмон чопайтган қизлар доим қушиқ айтиб ўз бахтини қуйлайди. Дастгоҳ ёнида ишчи фақат фикдорона меҳнат қиладди. Чўлда жазирима отобода, қиш изғиринида қуй боқайтган чўпон бирдан най чалади ва ҳоказо... Қанийди шугина бўлса, айримларимиз порахур, ахлоқсиз кимсаларнинг қилмишларини қу

РА-БИЛА ТУРИБ ҲАМ УЛАРНИ ҚУҚЛАРГА КЎТАРИБ МАҚТАДИК, БАЪЗИ МЕХАНИЗОТЛАРНИ БИР КУНДА 10 ТОННА ПАХТА

терди, деб ёзганлар қаторида узимиз ҳам бормизда», деб қуярди раҳматли! Ҳа, Рустам ака ёлгонни ёмон қурадди. Ёлгон аралашган жойда барақа бўлмайди, дерди.

Рустам ака шоғирдлари, дустларининг матбуотдаги чиқишларини ҳам жиддий қузатиб борарди. Уларни ютуқлари билан таъриқларди, нуқсонлари учун қаттиқ дақи берарди. Хабарингиз бўлса, Рустам Раҳмоннинг яқин дустри, журналист Абдуқарим Абдузимов билан бирга радиодаги «Қармоқ» рункидаги эшиттиришларда бир-икки йил «балиқчилик қилганмиз. «Қармоқ» чиқишларидан Рустам ака мамнўн бўларди, шу билан бирга, ора-сира танқидий мулоҳазаларни ҳам баён этиб турарди: «Филни қуйиб, пашшани қуйиб юрасизлар, — дердилар устоз. — Бу ёқда катта-катта китлар қолиб, майда-майда қилқаларни тутасиз-



ра-била туриб ҳам уларни қуқларга кўтариб мақтадик, баъзи механизотларни бир кунда 10 тонна пахта

ра-била туриб ҳам уларни қуқларга кўтариб мақтадик, баъзи механизотларни бир кунда 10 тонна пахта

ПАХТАКОРЛАР ҲУЗУРИДА

Деҳқонларимиз етиштирган «оқ олтин» ҳосилини ҳес-несуд қилмай териб олиш бугунги кунда муҳим ижтимоий аҳамиятга эга. Мустақиллик тўйфайли чин маънода ўз боғлигимизга айланган пахта-ни етиштириш йулидаги заҳматлар ҳеч кимга сир эмас. Бу йилнинг қуқлами Тошкент вилояти Оққўрғон тумани ҳужалиқлари учун ҳам, деҳқонлари учун ҳам гоятда серташ-цери утказилди. Узбекистон халқ артисти Ш. Жураев узининг Ватан, халқ, тарих, миллат ҳақидаги қушиқлари билан пахтакорларни мамнўн этди. Шоирлар А. Маҳкам,

Қодир МАТЧОНОВ Богот тумани

Рустам Раҳмон узига хос иходкорлар тоифасидан эдилар. Унинг очерк ва мақолаларида ҳам ёзувчининг ўткир қалами сезилиб туради.

Рустам ака адаби сифатида ҳам, журналист сифатида ҳам, инсон сифатида ҳам замонанинг долзарб муаммоларидан ҳеч қачон четда турмасди.

Рустам ака табииотидаги сифатларни эслар эканман, у кишидаги ймонлилик, ростгуйлик билан ҳафсалалик фазилатларини соғинаман. Атрофимдаги кишиларда, шу жумладан узимда ҳам ҳафсала етишмаслиги қуп ишларимизнинг рўёбга чиқишига халақит бераётганига амин бўламан.

Одам одамга хизмат қилиш учун яралган, дерди Рустам ака. Одамга одамнинг оқибатини ошарадиган савобли, хайрли ишларнинг ташаббускори эди у. Йимонга содиқ инсон эди Рустам ака! Мен шундай инсонга шоғирд бўлганим билан фахрланаман.

Хотира сўзимни яқши инсон, меҳрибон устоз ҳақидаги фаҳри билан яқунламоқчиман:

Яхшиларга жон эди бизнинг Рустам акамиз,
Меҳри бир жаҳон эди бизнинг Рустам акамиз,
Камтарлигу оддийлик — одамийлик бобиди
Рустамни дoston эди бизнинг Рустам акамиз.

Тулан ҚЎЗИБОВ

Маъруф Жалил таниқли шоир. Лекин у эрка шухрат соҳиби эмас. Шоирнинг «Бахтигма сен борсан» китоби га хурматли олим, профессор Салоҳиддин Мамажонов сўзбоши элаган: «Адабий танқидчиликда ёзилмаган бир адолатсиз қоида бор: у кўпинча тўрт-беш машхур номлар атрофида гир-гир айланаверида-ю, адабиёт ривожига ўз улушини қўшган «номашхур»ларга қиё боқмайди. Баланд баҳо ҳам, шону шухрат, мукофотлар ҳам уларга, «номашхурлар» эса жилла бўлмаса, танқидчининг илиқ сўзига ҳам сазовор бўлолмайди. Ўз вақтида кўларга кўтарилган ва бир-биридан юқори мукофотлар олиб, кейин кўп ўтмай унут бўлиб кетган шоирлар ёки китоблар камми!

Адабий танқидчилигимизни ёнлаб ўтаётган шоирларимиздан бири Маъруф Жалилдир. У камтар, мўмин, хокисор, эътиқодли, диёнатли одам. Шеърини янада мафтункор: ростғўй, самимий, дардли-армонли, ўйчан ва кайноқ эзулини энтиқиб куйлайди... шоир Ватан ҳақида фикрий теран, фалсафий шеърлар ёзди».

Гарчи Маъруф Жалил ижоди хусусида О. Шарафидинов, Л. Қаюмов, У. Норматов, И. Фафуров, Н. Худойбергенов, М. Маҳмудов сингари таниқли олимларимиз ўз ишларида озми-кўпми тўталган бўлсалар-да, каммина Салоҳиддин ака айтаётган гап замиридаги қуёнишларга тўла қўшиламан. Доманинг сўзларидан маълум бўлганлиги (бу сўзлар 1989 йили ёзилган — И. Э.) Маъруф Жалилга ўхшаган шоирларни «ёнлаб ўтган» фақатгина танқидчиликнинг ўзи эмас...

Баъзи танқидий мақола-лардаги академизм чарчоғи остида Салоҳиддин аканинг сўзларига ўхшаш самимиятни соғиниб қолган эканмиз шекилли... Ҳа, бу рост гап ва бунга ҳамма айтавермайди. Салоҳиддин Мамажонов айтган гапларни Тўра Сулаймон ва Рауф Парфи, Чўлпон Эргаш ижодиға нисбатан ҳам айтиш мумкин. Улар чинакам халқ шоирларидир. Мен бу гапни бутун масъулиятни ҳис қилган ҳолда айтаётirman. Тўра Сулаймон шеърлари халқнинг чин қўшқиларига аллақачон айлиниб қолган. Рауф Парфи жаҳон миқёсида куйлайдиган, аллақачон ўзига хос мактаб яратган шоир. Ва ниҳоят... Маъруф Жалил!

Маъруф Жалил шеърлари иссиқ қорға ўхшайди, дея лутф қилган эдилар ўз вақтида истеъдодли мунаққид Иброҳим Фафуров. Ҳа, бу чинакам шеъринг баҳоси. Маъруф Жалил кўпгина китоблар эълон қилди, достонлар ёзди, рус ва жаҳон мумтоз адабий намуналарини, Ёвдод Илёсов рўмонларини ўзбекчага ағдариб, Орол муаммоларига бағишланган ажойиб, дардли мақолалар ёритди. Унинг 50 ёшлик тўйи Маданият олийгоҳида ўтган. Залга одам сиймай кетди. Кечани ардоқли устозимиз Абдулла Орипов олиб борди. Кеча тамом бўлгандан кейин ҳам мухлислари Маъруф Жалилни узоқ вақт қўйиб юборишмади. Маъруф аканинг юзлари жиндай хижолат ва катта қувонч билан порларди. Шунда мен илиқ сўз ҳам улкан мукофот деб бежиз айтилмаганини англадим.

Мен 1969 йил Маъруф Жалил билан танишдим. Негадир унинг бақувват тасаввур қилардим. Дўстлари ростдан ҳам уни норгул йигит бўлганини, кейинчалик турли-туман ҳаёт сўмоқлари таъсирида, қолаверса, йилдан-йилга китоблари келбат касб этиб борган сари, ўзи озгиналашиб борганини айтиб қулишарди. Сўхбатлар орасида гоҳо уни андак бўш ёки бўшроқ дегувчилар ҳам топиларди. Амин бўлдимки, унинг кўнгли бўшроқ экан, бу хозирги пайтларда камбў хислат, дегим келади.

Дўстим Саъдулла Ҳаким билан Маъруф Жалил хизмат қилаётган «Муштум» журналга ийманибгина кирдик... ва юзига майин табассум тургучи, озгин бўлганидан жийла узун Маъруф Жалилни кўрдик. Шубҳасиз, биз қаттиқ хаяжонда эдик, сабаби биз толиб йигитлар ҳали (тирик) шоирни кўрмаган ва Маъруф Жалил уларнинг биринчиси эди. Бу тортинишлар узоққа чўзилмади. Маъруф ака жуда камтарин инсон экан, тезда танишиб, дўстлашиб кетдик. Кейин хўшладик. Уша бино (Навоий, 30)да «Ўзбекистон маданияти» газетаси жойлашган бўлиб, шеърларимизни қолдирдик ва дахлизда Маъруф аканинг қораси кўриниши билан ура қочдик. У киши бизга кўп ўқинглар дегандилар хайрлашаётиб. Ие, ҳалиям юрибсизларми деб ранжийдилар ва биздан ихлослари қолади, деб чўчидик. Анча вақт кўзларига кўринмай юрдик. Кейин ҳар замонда шеърини машқларимиздан кўрсатиб, маслаҳатлар олиб турдик. «Мен ҳам ёшлигимда дуч келганга шеър ўқиб бергим келаварарди, кейинроқ эса бу истақ

сусайиб бораркан». Бу сўз масъулияти ҳақида жуда оддий ва ўхшатиб айтилган гап экан. Бу хислат Маъруф ака иходиға ҳам хос, содда, самимий, ўзбекона. Унинг шеърларини ўқийтганимизда рўпарамизда ҳамдард, шикаста, кўнгличан, хотамтой бир инсон сизга сўхбатдош бўлиб тургандай бўлади. Аслида шеъринг бу энг қийин усул ёки услуб, бунинг оти — соддаликдир. Бу йўлнинг бошида Хожа Аҳмад Яссавий, Бобур, Машраб, Пушкин, Есенин каби сўз даҳралари турадилар. Мураккаблик (ҳаёт мураккаблигининг шеърда акс этиши эмас), чистондан ўтиб тушгучи салбий маънодаги чигаллик — содда йўл қийинчиликларидан қайрилишга ўхшаб туюлади, бу борада биз адашган бўлайлик... чунки Ҳазрат Навоийга ўхшаш содда бўлмаган, нодир истеъдод соҳиблари ҳам борки, одам ўйлаб қоласан. Албатта, бизнинг кичкина фикримиз, кичик бир даврдаги шеъринг — унинг аруздан кўра бармоққа тобора қадрдонлашиб бораётган даврга тааллуқлидир. Бу давр адабиётда М. Жалил, Машраб Бобо, М. Аъзам, Ч. Эргаш, А. Шер ва улар билан бирга М. Қўшмоқов, Т. Жўраларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Булар ичида М. Жалил одам ажратмас, бағри кенг, йилт этган ёшга қўлдан келгунча ёрдамни аямайдиган, меҳрибон устоздир. Кези келганда шуни ҳам айтиш керакки, талабчанлик ниқоби остида кўпчилики оворая

Дарахт вафо қилмай экан одамга, Қозонин қайнатар болта урганнинг.
Кувончи қўшиқ қилиш қийин. Кувончдан хиргойи қилиш мумкин. Кувончдан қуйлаш мумкин. Ўйчан ва ҳазин. Енгил-елли қўшиқлар тикондай гуллаган бир пайтда, Маъруф Жалил шеърлари «Дарахт»дай қуйлаб туради. Уларни ёд этамиз. Куйлаймиз. Ҳа, шеър меҳрисизликнинг обод боғларида эмас, Меҳр саҳраларида қўлайди ва гуллайди. Демак, буг бўлади!
Мана, етмишинчи йилларда ёзилган «Шоирлар» шеъриндан мисоллар:

Очк кўрдингизки, дунё бир қафас, Мумкин эмас азод нафас оллоқлик. ... Шеър ёзмок-ку асли қонли иш эмас, Аммо қонли экан шоир бўлмоқлик.

Бу қора гап қафасин бузиб, оппоқ руҳ учади. Кўлайди. Куйлайди. Сабрга ундайди ва одамки, кўнади — бунинг оти озодликдир!

Сўз билан ўйлика бағишлаб нафас, Касби Адолатнинг ёнин оллоқлик, Шеър ёзмок-ку унча шарафли эмас, Аммо шараф эрур шоир бўлмоқлик!

Маъруф Жалил қайсидир шеърда (китобларни ўрни жавонимда бўш, демак, мухлислари қўлида) «Бу тоғларнинг бағрида ухлар баҳодир вулкон!» дейди, «Баҳодир вулкон» уйғонди чоғи.

Маъруф Жалил қайсидир шеърда (китобларни ўрни жавонимда бўш, демак, мухлислари қўлида) «Бу тоғларнинг бағрида ухлар баҳодир вулкон!» дейди, «Баҳодир вулкон» уйғонди чоғи.

Ватан — фасли ҳазон бўлса-да яшасин яшиллик, деб қуйларан эди. Биз ҳазон (ранги) дан чакмон кийиб қилган Булгаковнинг собиқ генерали эдик, фарқи — биз қилморни, ўйинни билмасдик, у ватангадо, биз — ватан долларлари эдик. Парамушалар ҳануз тирик бўлса-да, ҳазондай тақинчоқлари титилиб, тўкилиб бормоқда. Бизнинг ҳам эғнимизда бир сўмлик пулдай қировли ҳазонлардан иборат чакмонимиз эриб бормоқда — сабза фаслининг офтоби кўтарилиб келмоқда. Эртага қувонч — руҳониятнинг яшил филли бошланади. Мудом шод яшаганлар шодлики билмайдилар, мудом мусибатсизликнинг ўзи мусибатдир... Инсон, эл - юрт, шоир тарихи ҳам шунга ўхшашдир. Ўлжас Сулаймон қаҳрамонларидан бири: «Ҳиёнат — жиноятдир, лекин менинг ҳўрлигим олдида разолатдир, ҳиммат қадрсиз пайтда гуноҳ — жасоратдир», дейди. Гап уни ким ва қачон айтганида эмас, албатта, нечун ва кимга айтгани бизга мўҳим. Шоирлик — лавозимми, мансабми, унвонми, бахти, бахтсизлики, ўйинми, хунарми? Шоирлик — шуларнинг ҳаммаси ва битта-си ҳам эмас. Шоирлик — ўша чакмонли генерал. Собиқ бўлса ҳам, ҳар қалай генерал, ўзини доим генералдай тутуди. Қумсайди... Бу гапларнинг бари М.Жалил ижодида ошкор ва ниҳон. Унинг шеърларидаги метафора ва метамарфозаларни, ишнинг усталарига қолдирамай. «Оддий жумбоқ», «Хотира», «Сўзсиз қўшиқ», «Шоирлар», «Ба-тошқов», «Тошкентда Пушкин ҳайкали», «Мен Сизни севардим!», «Тут», «Фаргона», «Эй, Табиат», «Яхшилик қилганда», «Паризодим», «Истиқбол», «Самарқанд», «Муҳаммад Хоразмий», «Мархумлар шахрининг аҳлисига», «Қасосим бор тасодифларда», «Тарихни варақлаб, Бухоро!», «Ватан», «Инсон», «Шерваача» каби достон, лавҳалари адабиётимизнинг бақувват асарлари, бойлигимиздир. Шоирнинг ўша нури табассуми сўнмасин, гўзал шеърлар кўпайсин. М.Жалилнинг менга ёд бўлиб кетган «Дарё» шеъри билан сўзимни яқунлайман.

Салобатли дарё оқар чайқалиб беғам
Менинг яхлит ҳаётимни иккига бўлиб,
У кирғоқдан эшитилар таниш бир оҳанг,
Аммо унинг мазмунини бўлмағай билиб,
Уша оҳанг ором бериб қулқларимга,
Юрагимга қуяр аста армон доғини.
Йўллар аста бош уради оёқларимга,
Эсга солиб ҳаётимнинг яхлит чоғини.

сарсон қилганлар ва қиладиганлар ҳам йўқ эмас-да. Қийинчилик одамни тоблайти, деб бежиз айтишмайди. Маъруф ака ўрта мактабни тугатганда оилада ҳар томонлама танқислик экан, у Москвагача пою пьёда боради — илм олиш мақсадида. Оддий босмаҳона ишчисидан катта муҳаррирликкача бўлган хизматнинг барча инжиқликларини кўрди ва кўрмоқда. Норақ ГЭСида ҳам ишлади. Бетончи бўлди. Одам яхши инсон бўлиши учун шундай машаққатли йўлларни босиб ўтармикан, ё тақдир яхши одамни ҳаёт машаққатларидан шундай олиб ўтармикан?

Унинг шеърларини ўқиб шуларни ҳам ўйлайсиз ва беихтиёр энга қўшилиб:

Шеър ёзиш-ку унча оғир иш эмас, Аммо оғир экан шоир бўлмоқлик— деб юборасиз.

Албатта, мен бу гаплардан кейин, шеър — хаёл ме-васи эмас, у аччиқ ҳаёт дарахтининг ширин ва гўзал ме-васи, деб ўйлашга мажбурман. Ундан кейин:

Мен мард рақибларни ҳайратга солиб, Нормард дўстларимга аччиқма-аччиқ Таъвиш юкларини елкамга олиб, Шундай яшайман очикдан очик.

Ҳаёт улғайтирган сизни эркалаб, Йўқ, менинг бошимни силамаган у. Йўл бошига чиқиб, Ҳар кун эрталаб,

Қулиб, менга омад тиламаган у. Биз сизга омад тилаймиз! Сиз ҳам, қаҳрамонингиз ҳам омадликсиз!

Чунки омадсизнинг бошига ёки қошига келиб ҳеч ким омад тиламайди. Ҳа, ҳаёт шеърдай бешафқат, шеър ҳаётдай гўзал. Иккиси ҳам дарахтга менгзар. Уни кичик билан сугорса бўлар, бўлар меҳр билан сугорса... М.Жалил шеърлари меҳрининг сувратларидай, рангин, оҳангдор. «Дарахт» деган шеъри тўла ёдимга келади.

Дарахт танасига болта тушади, Учқундай сочилар ҳар ён пайрача. Аччиқ ингради-ю бирдан қулади, Ҳаётнинг ҳолига уриб қаҳ-қаҳа.

Бирдан ниҳоллари кўтарди фарёд, Ингради суяғи қотмаган шохлар. Сўнди умид билан барқ урган ҳаёт, Оҳ уриб юборди олисда тоғлар.

Армон билан боқиб сирли оламга, Кўнглига не келмас ўйлаб кўрганнинг.

«ОШИҚУ ИШҚ БОР ЭКАН»

Халқимиз азалдан гўзал-ликка, назмга мойил халқ. Ҳар бир инсон қалбида шеър шавқи, газал завқи пшайди. Минг йиллардан бери қисса-гўйлик, китобхонлик қилиб келётган халқ қалби ҳаммаша латиф, доимо навқирон бўла-ди. Кекса отахонларимиздан Самуқхожи Собиржон ўғлининг кўлига қалам тутказган нарса ҳам ана шу шавқ, ана шу завқдир.



Самуқхожи Собиржон ўғли 1928 йили Тошкентда, бобон-кўнчи оиласида тавалуд топан. У кирк йилдан ошқик вақт мобайнида ҳайдовчилик касбига меҳнат қилди. Айни пайтда отахон кексалик гаштини сураётди. Ёшлиқдан ўзбек классик адабиётига бўлган қизиқиши туфайли Самуқхожи Собиржон ўғли узоқ йиллардан буюн насихатомуз, ахлоқий, ишқий газаллар, пурмаёно тўртликлар машқ қилиб келади. Шу йиллар ичида унинг газаллари матбуотда кўп мартабала эълон қилинди, айримлари қўшиқ қилиб, хофизлар томонидан севиб ижро этилди.

Утган йили Чўлпон наشريёти Самуқхожи Собиржон ўғлининг ўлтизга яқин газалини ва бир канча тўртликларини жамлаб «Ошиқу ишқ бор экан» номли илк тўпламини чоп этди. Кўйда сиз муаллифнинг янги газаллари ва тўртликлари билан танишасиз.

Сани ишқинг билан ўтдим, ҳазон пасли етиб келди, Етолмай ёр висолига, неча йиллар кетиб келди.

Мани девоналар қилгон, сани оху қарошингдур, Сани пайкон ўқинг дойм юрагимга тегиб келди.

Мани ёрим ошўғини холидан, топмас хабар, Мани шамшоди қаддимни, ниғоҳ бирла эғиб келди.

Негай холим паршондур, хали сўрмайди зоринми, Бу Махжунни қувингиз деб, кўюлқини йиғиб келди.

Бу гап бирла адо бўлдим, етолмай ёр васлига, Меҳр ўттини у ташлаб, тану жоним ёқиб келди.

Самуқ ёрга кўнгул бердинг қайтмайин туну кун иза, Агар етсам васлига мана меҳрим оқиб келди.

Ким келибдур бу жаҳонга кўнглида армон қолмасин, Яхшиларни кўнглига ҳеч бир ёмонлуқ солмасун.

Бўлма нодон бу жаҳонда, кўрган киши орланмасун, Яхшилик қилгил ҳаётда номинг асло сўнмасин.

Ўтгучи дунё экан бу яхши ном оллоқ керак, Бўлма нокаст наслингга сендан ёмон ном ўтмасун.

Яхши одамлар ибодатда билсан эрта-кеч, Бундай одам эл аро ҳеҳу зоринг кўрмасун.

«Одамнинг насли бирдур бир-биридан фарқи бор», Яхшилар яшаб жаҳонда номини мутоққ ўчмасун.

Эй Самуқ, гар яхшилик истасам сен яхши бўл, Тоза кўнгулга мудом ўчмас ёмон ном кўчмасун.

ТЎРТЛИКЛАР

Бир сўқим тупроқдан яратдинг танини. Доимо баҳардим амрингни сенинг. Бошқа бир бандани яратмоқ учун, Хок қилиб, хокингга иргитдинг мани.

Бошимиз чулганар бир кун қафанга, Минаримиз ёғоч от номли саманга. Тутарлар бир кун ажал майини, Кетармиз дунёдан ўқро томонга.

Жонимиз бу танда, билгин, омонот, Жонингга қасд қилсан бўлғай хиёнат. Тананг олтин қафас, жон ичра бўлбул, Тарк этар қай кунин — йўқдир қафолат.



Шоирлар Х. Шарипов, Ж. Жабборов ва И. Маҳмуд

Ўзбек романи: кеча ва бугун

САИДИЙ ИНКОР ҚИЛАДИ

Ўзбек романичилик асосчиси Абдулла Қодирий адабиётда янги жанр ривожини бошлаб берди. Унинг давомчиси сифатида Абдулла Қаҳҳор шундай асарлар яратдики, уларда соф ҳаётий ҳақиқат ифодаланганининг гувоҳи бўламиз.

А. Қаҳҳорнинг «Сароб» романи дастлаб «Ўзбек шуро адабиёти» журна-лида босилди. Ўзбекона психологияни ўзида акс эттирган бу романдан турли қусурларни излаб топиш узоқ йиллар да-вом этди. Адиб воқеликни бузмаздан, ҳаққоний кўрсатиш талабини ўзи-ча тушунар эди. Бу ўзи-ча тушиниш муаллифини болшевиизм маддоҳи бў-либ қолишдан асади.

Бу жиҳатдан романда-ги бош образи Саидий характери ни яратишда ёзувчи мароқли. Таниқли адабиётшунос Ю. Султано-в: «Саидийнинг душ-мандан фарқи йўқ, Шунинг учун Саидийга ачи-ниш буржуа миллатчила-рига нисбатан нафрат тугдирмайди, балки ҳу-шёрликдан тойдиршига» олиб келади. Бу ёзувчи-нинг хатосидир», деб

ўйлайди Саидий ва улар-нинг устидан қулади. Рас-кольников дахшатли жиноят қилиб, ер юзидаги барча қабилчиқларга чек қўймоқ-чи бўлади. Саидий эса ўз кўнглидаги ниятини юзага чиқара олмаганидан ўзини ўзи ҳалок қилади. Саидий ярамас иллатлардан холи эмас. Аммо атрофдагилар орасидан ўзига маънавий кумак берувчи инсон то-полмайди, тенгдошлари орасида Саидийни турги тушунадиган фақат Эҳсон эди ва у камчиликларга тўғри баҳо беради: «Ра-ҳимжон, — деди у сандиқ-часини ил билан боғла-тиб, — ёшлик тошқин сув, сугурайдиган экиннингизни сугуриб қолмасангиз ўтиб кетади. Кейин кексалик кў-зойнагини тақиб игна би-лан кудуқ қазишдан иш-чакмайди».

А. Қаҳҳор қалбида йил-лаб қутириб юрган армон-ларини қаҳрамонлар тили-дан беришга ҳаракат қила-ди. Романдаги ижобий об-разлар деб қаралган Те-ша, Барот, Йўлчи, Эҳсон, Кенжалар етарли даража-да ишланмаган. Бунинг са-бабини ёзувчининг образ яратишдаги маҳоратидан излаш лозим. Уша пайтда ҳали янги замоннинг во-қеа-ҳодисалар ҳам, уларда

иштирок этувчи ёшлар ҳам юзага келмаган эди. Чунки ёзувчи 20-йиллар-нинг охиридаги воқеалар ва одамларни холисанило қаламга олган эди. Улар Жамиятда Шахслар эмас, кичик одамчалар эди.

Кенжа, Эҳсон, Барот, Шафрин кабилар давраси-да ўзини мусофирдай сез-ган Саидий ўзга жойдан маънавий паноҳ истаиди. Унинг ўзи Салимхон, Аб-босхон, Муродхужа домла-лар гирдобига қандай тушганини билмайди. Улар оғзиларидан бол томиб, Саидийни қанчалар мақ-ташса, хушомадга эриб-шу қадар ҳалим бўлиб ке-тадики, бундай аҳволда ундан истаган нарса ни ясаш, уни истаган кўйга солиш мумкин. «Маслаги бир» бўлган бу гуруҳ мақ-товдан арқон эшиб, Саи-дий қўл-оёғига тушов со-лишди, натижада бир бу-тун инсон таназзулга юз-тутади. Романининг «Са-роб» деб номланишига Ра-ҳимжоннинг дустни душ-мандан ажрата олмай чо-ғна қулагани туртки бўлган. Чунки ижобий ва салбий образлар муштарак ба-диий қонунлари асосида яратилмоғи лозим. А. Қаҳ-ҳор Саидийни муайян ин-соний жозибадан маҳрум

қилиб қўрсатмаган экан, бу билан уша йиллар ўз-бек прозасидаги реалист-ик талқинни шаклланти-ришга ҳаракат қилади.

Романдаги кўзга ташла-нувчи жиҳат Саидийнинг бадиий ижод кишиши эканлиги. Унинг қобилияти мактабга илк бор қадам қўйгандаёқ кўзга кўрина бошлаган эди. «Урфон» мактабида бошланган маънавий эҳтиёж универ-ситетдаги қизгин ҳавтга бошлайди. Саидий бир неча машқларини турли журналларга юборар экан ва ҳар сафар улардан би-рортаси босилиб чиқши-ни умид билан кутади. Ни-ҳоят «Қаландар» номли ҳи-қояси журнал саҳифасидан жой олди. Агар одамнинг ораниқиб кутган дамлари етиб келса ва ундан завқ-ланса, дунёда ундан-да бахтли инсон бўлмайди. Худбинлик деб аталган бу ҳиссиёт кимда йўқ. Аксин-чи, уни бугувчи, уз ман-фаати йўлида ишлашувчи-лар бор! Қаҳрамонимиз кўнглидан кетган оғриқ нуқталарни ёзволмагани учун ҳам «осон йўлни та-набиди», оқибатда Саидий бошқалар кўрсатмаси би-лан иш юрיתהди. Аббос-хон берган сюжетлар, Ж. Каримий кўрсатган йўл-йў-


рик уни дарё ичида сувга ташна қилган эди.

Адабиёт ҳам, муҳит ҳам унинг қалб ярасига мал-ҳам бўлолмас эди. Бошқа-лардан нафратланиш ҳис-си Саидийда лоқайдлик туғдирди ва уни ҳаётда олижаноб эзгу ниятдан маҳрум қилди. Мунисхон унинг йигит умрига нур бўлиб кирди. Фақат шу қизгина ягона толинувчи кишига айлиниб, муҳаб-батнинг сирли дунёсига ошно қилди. Шундай гўзал қизга эришиш учун «Ола-мшумул адиб» бўлишга ва ҳақиқий мард инсон сифа-тида танилишга ҳаракат қилди. Аммо муҳаббатига муносиб жавоб ололмаган инсон қандай қилиб рўҳий эркинликка эришсин? Саи-дий нега Мунисхондан буткул воз кечмади. Саба-би бахтиёр дақиқалар хо-тираси фақат шу қиз би-лан жонланарди. Агар ки-мови турмуш қурганида роман моҳияти ўзгарарди.

Лекин улар келажаги ҳа-тига учраши аниқ эди. Чунки Саидий «Коронг ке-чада оқсоқ от билан тойгоқ йўлдан белгисиз сафарга чиққан» киши бў-либ, даврдан ўзига паноҳ топа олмади. Унинг инқи-рози муқаррар эди.

Романда манкуртликдан бошлиқ даражасига кута-рилган Саримсоқ тимсоли мавжуд. Муаллиф уни Саидийга зидлаш маъно-сида киритган. Вақоланки, манкуртнинг қорнини туйғазиб истаган оғир ва-зифани бажартириш мум-кин. Фикрловчи одамларни бир қолинга сиздирди, маълум йўналиш асосида тарбиялаш жуда мушкул. Асар сўнгида Саидий ҳам-ма нарсадан беэзиди. Ўзи ажратган ҳар икки тоифа-га мансуб эмаслигига ту-шуниб етади ва ҳаётни ўзи хоҳламаган ҳолда бе-зашга интилнигани учун аф-сусланади: «Ҳаёт жомини

Сабоҳон ДАДАХУЖАЕВА, Наманган Давлат университети талабаси



Юсуф ХУДОЙКУЛ

РУХИМ МАВЖЛАНАДИ,
ПАРАЛАДИ РАНИ

Болишим тўлишиб қолади, гулим,
Қаро сочларинга, кўксимда ялов.
Умримнинг кувончи — кечалар сўлим,
Тонггача қалбимга қалайсан олов.

Сени тушларимдан тонг олар тортиб,
Тоғ ортидан офтоб кўтараркан бош.
Боради кундуздан алашим ортиб,
Энди бағирлайди сени ул куёш.

Парирўй жамолинг мафтун этаркан,
Измингдан гўдакдек чопади у ҳам.
Мен эса ҳар кеча сўрайман тундан:
Кундузлар ярамга боса қол малҳам.

Шом кирар, қуёшнинг тиглари қайтар,
Айрилик азоби — шафақ лолагун.
Куёш-ла қон ютиб яшаймиз такрор,
Сен каби малойик яралган учун!

Рухим мавжланади, таралади ранг,
Тун нури кўксимда ўрнашган зиё.
Халоват камони тортилди таранг —
Изминг-ай ўзинга буюрсин, дунё.

Адашган менми, ё ранглар тасвири —
Куёшдан нур эмиб очилган оқ гул.
Сени ҳам бир қуни моҳтоб севара —
Умир қарвонидан сирғалади йўл.

Кўлимда ҳасса йўқ, юракда қувват,
Иродам — кўчада чанг тепган бола.
Ёшимни ўзим ҳам билмайман, фақат
Умид қуртаклайди ҳар кун, ҳар тонг-ла.

Сипқорай кўнгилнинг сархуш майини,
Лолагул қосангни қарзга бера қол.
Сенингдек бағримда бир дард уйғонди,
Тунлардан ҳаловат топмоғим увол.

Ой чикди сармастдик беиз йўқотдик,
Биз беҳуш чоғимиз, куёш ҳам ботди.
Юрак сикивуда сачраган қондан
Шому тонг қизариб шафақлар отди.

ҚУТЛОВ

Пахта чаноғига босганча муҳр,
Сархуш хаёлларга бериласан жим.
Жаннатий боғларга узатиб меҳр,
Яшайсан, ўзингни англамай, гулим.

Дунёда неча хил элатлар яшар,
Ҳар бирин ўзига етар юмуши.
Ҳар кимнинг феълига яраша берар,
Беш кунлик дунёда бажармак ишин.

Кўнглингдек беғубор, пахталар оппоқ,
Мехринг ардоғида тўлишиб қолар.
Кокилингга инган сароб хаёл пок,
Сенинг нафасингдан куёш тафт олар.

Сен шундай буюксан, тангри неъмат —
Жаннатнинг парчаси пойинга тўшак.
Ҳар элнинг оламда бор ўз қиммати,
Кўксинга камсуқум юрак муборак!

Рислиғой ХОТАМОВА

ҚАЙНАБ ЭТАВЕРАР
ДУНЁ ҚОЗОНИ

ЮРАГИМ

Нозик бўлиб кетган менинг юрагим,
Капалакнинг қаноти ҳам ботади.
Кучоғида куёш қучган юрагим
Гоҳ шом эрур, гоҳо тонгдек отади.

Юзи тўла чандик тўғрилигидан,
Дарди кўндир, дардга ўғрилигидан,
Булбул тилин билмас кумрилигидан,
Ҳазон тўла боғида жим ётади.

Орзулари гунча, битта гули йўқ,
Чўғдек сўзи кўпу бийрон тили йўқ,
Асов тулпор, депсинади йўли йўқ,
Чапга юрса ёнар, ўнгда ботади.

Очилмаган сандиғида — эртақлар,
Ботинида — ҳеч кимда йўқ чечаклар,
Ололсайди уни агар кераклар,
Шу бир юрак дунёни уйғотади.

Кимдир сўзга чечан тили узундир,
Кимдир ўз гапини ҳам айтолмай ҳалак.
Кимдир боши баян, қўли узундир,
Кимдир оғзидагин ютади аранг.

Қайнаб этаверар дунё қозони,
Ким чўмичлаб олар, кимга қошиқ йўқ.
Кимнидир тарк этмас кўнгли изҳори,
Қайсидир шўрликка битта ошиқ йўқ.

Кимдир тақдир дейди силтайди қўли,
Сўнгра ҳасрат билан ўтади умри.
Кимдир минг азоба топади йўлини
Ва бахтнинг қўйнида яйрайди кўнгли.

Ҳар нега қодирим, Ҳазрати Инсон,
Бахтсизлик хатосин ўзингдан изла.
Орзу қил, курашгин, толеъга ишон,
Ерни ўпиб туриб юлдузни кўзла.

ТЎТИ

Кенгликда кенггина юрган тўтини
Тугиб келтирдилар бир тор қафасга.

Энди қушча кўрмас асло юртини,
Энди зор ўтади эркин нафасга.

Ранг-баранг патлари бошига бало,
Балодир ҳеч қушда учрамас талант.
Истеъдод ганж эмас, ранж берди унга,
Ғами шухратидан кам эмас, баянд.

Эркидан худодик етмаганидек,
Тилидан ҳам жудо бўлди шўрлик қуш.
Энди ким не деса шуни қайтарар,
Ўзлиги ўзига бўлди ширин туш.

Шайдо аримайди қафас олтидан,
Ҳамма махлиёдир бурро тилига.
Баъзилар бир-бирин тушунар аранг,
Қайдан ҳам тушуносин қушнинг дилига.

Кўрган чоғ пардалар босар кўзимни,
Дилимда қучаяр алашим ўти.
Қафасда ўлтирар мунгайиб ноҷор
Тили йўқ, эрки йўқ, юрти йўқ Тўти.

Осмонда ой талаш, қун-қуёш талаш,
Икки дунё аро бир бардош талаш.
Неча ошиқ ичра қаламқош талаш,
Сенга тўзим берсин, банди оғиз.

Кимга лаҳза қисмат, кимга йил қисмат,
Ким шукр айтади, ким ўқир лаънат.
Тириклик муруват, илоҳий неъмат,
Сенга тўзим берсин, банди оғиз.

Ақл ўқир ҳукм, худдин муҳаббат,
Юрак рад этади, нурдир муҳаббат.
Ошиқ аҳлига ёт ором, ҳаловат,
Сенга тўзим берсин, банди оғиз.

Гоҳо омад сайлар, гоҳ келар қулфат,
Бошда борин кўриш шу сендан хизмат,
Асло банд этмасин шайтоний санъат,
Сенга тўзим берсин, банди оғиз.

ФАРЁД

Укам беданага ишқибоз. Янги қўлига тушса
уч-тўрт кун қарилардек чопонининг енига
беркиб қўтариб юради. Кейин турковқоқа со-
либ айвондаги янги илеб қўлади. Қар-
лардан чигиртка тоғи келади. Тариқнинг
саросини қидиради.

Беданалари сайрагани сайраган. Буш қолди
дегулча укам ҳам уларга қарагани қараган.
Аммо турковқоқ ураб қўйилган матони кам оча-
ди.

— Бедана қоронғида сайрайди, — дейди у,
— қўзига ёруғ тушса бўлмайди.
Ҳарқалай ишқибоз, у билади. Эътироз бил-
дирайман-у, беданалар «ва-ва», «пит-пилгири»
қулғимга «эй фалак, қуёш қани нур сочса-ю,
мен ҳам жуфтими қўрсам» деган фарёддек
эшитилади...

МЕҲР БАРЧАГА БАРАВАР

Самолётта улгурмадим. Ноилжод поездга би-
лет олдим. Унда сира уқлай олмадим. Роса
чарчаганман. Эртага, албатта, ишонмадан жа-
волим шарт. Аксига юқори қаватдан мой те-
гди. Амаллаб жойлашиб, чўзилдим.

Пастки қаватдаги жувоннинг қулидаги гўдақ
йилгай бошлади. Қўксини пана қилиб эмизди...
Болакай йиғлоқроқ экан шеклини, қорни
туёса ҳам йиғлайверди.

Гилдирақларнинг «тарақ-туруқ»и миямга «ша-
рақ-шурқ» бўлиб тушаётганининг устига уст-
так бунинг йиғиси... «Уф» дедим-у чап ёнбо-
шимга уғрилдим.

Жувон алла айта бошлади:
— Алла-ё, алла
Ухла-ё, алла.
Қора қўзим-а, алла.
Ширин шакарим-о, алла,
Қанду асалим-о, алла.

...Шу асални гўё олма айтаётгандай эди-
лар... Киприкларим юмюла бошлади.

Абдужалил ЗОКИРОВ

ҲАЁТ ДАВОМ ЭТАДИ

Дадамнинг ойна олдига ўтириб олиб, юзларига қу-
пиртирилган совундан роса суриб, соқол олишлари-
га ҳавасим келарди.

— Ада, қачон мен ҳам... — сўрашга улгурмасим-
дан қуликлар орасида деярли беркилиб қолган ла-
блари очилиб, жавоб қилар эдилар.

— Шошилма...
Армия сафидан қайтган акам, узлари билан соқол
оладиган машина ҳам олиб келдилар. Ҳар қуни эр-
талаб тош ойна олдига тик туриб олиб гир-гирлатаёт-
ганларига нигоҳим тушганда қузларим ёниб кетарди.
Секин сурардим:

— Ака, қачон мен ҳам...
Акам машинани юзда айлантиришдан тўхтамасдан
жавоб берардилар:
— Шошилма...
...Мана, вақти келиб, кунига ўсишдан тўхтамаётган
соқолни олиб ётмайман.

...Юзни қиртишгаётиб ўғлимнинг тикилиб тургани-
ни сезиб қолдим.
— Ада, қачон мен ҳам...
Беихтиёр жавоб бердим.
— Шошилма...

ТАМҒА

«Дийдор ганимат деб», — баъзан-баъзан ўтиришиб
қоламиз. У азизларнинг дастурхон устига чиқади. Пиё-
лами, стакан топилиб, аввал чойми, сувгами чайла-
ди. Кейин қўйилади. Уриштирилади. Ичилади. Кўнгли
ёзилди. Яқин-йироқ унутилади.

Кимдир сўз айтиб ичади. Кимдир секин, жим. Би-
ров уни ижирганиб қўлга олади. Бироқ мактаб.
Тогдан шошиб, сойдан тошиб келган, жумрақлар-
дан шарқираб оқиб турган, қайнаганда чойга айлан-
ган, узоқ айлантмай туппа-туғрисини бертганда уша
стаканми, пиёлани чайиб топ-тоза қилиб берганд уш
теваракда эса гап-сўз йўқ.

Сув оқиб турибди. Хоҳласанг ҳовучлаб ич, хоҳла-
санг дуппингни тўлатиб. Хоҳласанг экинингни сугор.
Хоҳласанг...

АҲЛИ ДИЛЛАРДАН БИРИ

Куп йил бурун ажиб бир шодлигимга ўн шодлик
манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг
қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Бу-
ғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Бу-
ғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

Бир шодлигимга ўн шодлик манзаранинг гувоҳи бўлган эдим. Фаргона вилоятининг қайсиёки бир туманида дала йулидан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик. Буғилдан кетиб борардик.

ҚАТРАЛАР

У ҳам асли сув. Фақат жазова дори қўшилган.
Шишага солиниб, қопқоқланган. Қоғоздан тамга-
си бор.

ҲАВАС

...Сараланди. Аввал машинада, кейин поезд-
да сайр қилди. Кемада сузди.

...Ниҳоят узоқдаги чекка бир жойда хиёл тит-
раб турган қўлларга теғди. Уқилди. Упилди. Бук-
ланди. Кукрак чўнтағидан жой олди.

...Чўгга айланди-ю теғиб тургани — юракни ён-
дириб юборди.

...Хатлар ҳар хил. Бири ундай, бири бундай.
Барибир хат ташувчиларга, хат олиб турувчи кў-
ни-қўшилларга ҳавасим келади. Қунда йулкадаги
почта кутисини очар эканман, газета-журналлар
орасида қат бормикан, деб беихтиёр қараб қўя-
ман.

...Шуни ҳам билмакани, келиши учун аввал
ўзим ёзишим керак. Жавоб хати ёзадиганларга
ҳавасим келади.

СУЯНЧИК

Бешиқдаги ўғилчамни:
— Суюнчим, — деб эркаласам, келиннингиз
қулди.

— Ҳали мурғак-ку...
Қишлоқ гузариди каттақон чинор остида бир
муёсафидан эшитганларим хаёлимга келди.

— Суюнчининг катта-кичик, қучи-қучисини йўқ.
Ху, ана чумчуқлар лайлак илонинг қушандаси
бўлгани учун ундан пастроққа макон қуришган.
Лайлак эса: «жишларини чумоли таласин» —
деб уларни қиратадиган чумчуқлардан юқорига
чиқиб олган...

тиёр илжасиз, сунг — юрак
дан мириқиб қуласиз. Муал-
лифининг тоғонлиғига, тили-
миз жилоларини қуз-қуз қила
билганига оғабин айтасиз.
Бир неча кун ўзга бир олам-
да, нафосат, севинч, тафаккур
оламида сайр этиб юрасиз.
Ёзувчи учун бундан-да зиёда
бахт борми?

Эргаш Раим, асосан, бола-
ларга атаб ётади. У ўз асари
билан гўё энди қуёшга талпи-
наётган мурғак ниҳол бошини
силлаётгандек, унга равнақ ти-
лаб, оро бераётгандек бўла-
ди. Турли учрашуларда бугун
қирққа қириб, сочига қиров
қунган уқтам йигитларга оқила
аёллардан «Биз Эргаш Раим-
нинг ўқувчиси эдик» деган
эътирофини эшитганман ва
бир касбдош сифатида суюн-
ганман.

Энди, ўрни келиб қолди,
бир гални ҳам очиб айтиб ке-
тайлик. Эргашнинг қиссаю хи-
қоялари змонасозлик иллати-
дан бегона. Шунинг учун улар
ҳамон қўлма-қўл, ҳамон қайта
чоп этилиш шарафига сазо-
вор. Ҳолбуки, унлаб, юзлаб
китоблар шуларлар мафкура-
сининг маҳсули бўлганлиги ту-
ғилганда қўлиб кетди.

Эргаш дўстим қаҳқабига
қўйилгани билан ривоят бил-
дан яқулламоқчиман. Мўхам-
мад алайҳиссалом чилтонлар
сўхбатини орзу қилиб бир

дан ҳам сузи қизиқ». Бу халқ-
қона иборани бемалол Эргаш
Раимнинг ижодида қўллаш
мумкин. Унинг қисса ва хи-
қояларини ўқисангиз, жиндай
тупори, жиндай мўғомби ва
лекин соддадил, қўнғил тоза
деҳдон қўёфаси, ҳали кўнгли-
га бу чархи қажрафторнинг
гарди қунмаган қишлоқ бола-
сининг тимсоли мана мана,
деб куз олдингизга келавера-
ди. «Ҳожу қудуқни ёки «Эх,
қиз катталар...» қиссаларини
ўқий бошлайсану дилингизга
бир ҳовуч нур инди, беих-

ШАМОЛДА ТЕБРАНГАН
ЧИНОР ШИВИРИ

«Инсон ўзининг тилида яратилаётган адабий ютуқларидангина эмас, балки бошқа
тиллarda сўзлашувчи қаламкаш дўстларининг муваффақиятларидан ҳам қувонмоғи
лозимдир. Бунинг мен ажиб фазилатлардан бири ҳисоблайман», — деган эди болқор
халқ шoirи Қайсин Қулиев.

Шундай ажиб фазилат эгаси бўлган шoirтабиат халқимиз болқор тилида ижод
қилган Қайсин Қулиевнинг шеърларини ҳам севиб ўқийди. Кейинги ўттиз йил ичида
унинг шеърлари шoirларимиз томонидан она тилимизга мунтазам равишда таржима
қилинмоқда. Шoirнинг «Гул ва ханжар» ҳамда «Кўзларингни севаман» китоблари ўзбек
тилида нашр этилган.

Қайсин Қулиевнинг бахти шундаки, у ўзи туғилган ўлкани, юртдошлари қувонч-
таъшиқларини баралла қўйлаб умминсоният шoirи даражасига кўтарилди. Унинг
шеърлари юздан ортиқ тилга ўғрилган.

Қайсин Қулиев шеърларини ўз тилларида мутлолақ этаётган миллатлар бу йил шoir
таваллудининг 80 йиллигини нишонламоқдалар. Уша миллатлар қаторида биз ҳам
ўша муборак санани эслаш мақсадида Қайсин Қулиев шеърларидан намуналар эълон
этаймиз.

**ОНА ТИЛИМГА БАХШИДА
КЎШИҚ**
Менинг она тилим, жозибадорсан,
Жозибанг туйғайи қаторда борсан.
Агар тирик туриб айрилсан сендан,
Дунёда қимса йўқ нодорроқ мендан.

Сен мардлик тимсоли, озодек ва шон
Бўлиб келажакка боражар қарвон.
Сен ёркин маёксан, макони баянд,
Оғир замоналарни қилмассан писанд.

Сен билан ободир халқимнинг сайли,
Сенда жаранглайди жамики майли.
Сенга халқим сайли берар ҳамма вақт
Тоғ дарёсига хос соғлиқ ва қудрат.

Сенда жамулжамдир: мардлар мероси,
Кўбшининг жиъласи, қушларнинг рози,
Шамолда тебранган чинор шивирини,
Кизгалдоққа тўлган қирлар тасвири.

Тоғлар салобати, баҳор жаласи,
Жавзо қуларининг иссиқ палласи,
Ошиқ-маъшуқларнинг нозик ишваси,
Ойдин тун ва куннинг муқаддаси,

Тоғдаги отларнинг дук-дук юриши,
Тарвуз ширасининг оқиб туриши,
Сен Элбурс қоридай боқий ва поксан,
Алвон ўқларга яқин ҳамроҳсан.

Қиш хатлаб ўтганда остонамизни
Ўт бўлиб иситдинг бошпанамизни.
Сенга роз айтди ёз, қиш ва баҳор,
Сенга роз қўйни тор туйилмас зинҳор.

Гап нақди: халқ — узук, сен унга қўсан,
Сен халқ тақдирига йўлчи юлдузсан.
Кўтарилган чоғлар қоп-қора тўзон,
Жаллодлар қўлидан сен чикдинг омон.

БАХТ
Мен учун бахт шу —
Сен билан ашвапман битта заминда.
О, қандай соғ!
Биз сув ичамиз битта булоқдан,
Қадамлар ташлаймиз битта йўлакдан.
Нигоҳимиз тушар шу осмон, шу юлдузга,
Шу дарахт, шу қўкатга.
Бирга киримиз ўчоғида ўт бор уйга,
Сўзлашамиз бир тилда,
Қор, ёмғир ёғишини кўрамиз бирга,
О, қандай соғ!
Энди тушундим:
Сенинг исмингни такрорлаш
хўзур бераркан менга!

Асрор МЎМИН таржималари

СУРАТДА: Қ. Қулиев бир гуруҳ ўзбек адиблари билан. 70 - йилларнинг охири

ОЙДИН ЙЎЛ

Касб тақозосига кура кўпдан буён пойтахтимиз театрлари актёрлари, имкон тугилиб қолса, виллоят театрлари намояндлари ижодини кузатиб келеман. Уларнинг ҳар бири ўзича бир олам. Шуниси борки, баъзи актёрлар аллақачонлар уз мухлисига эга бўлиб, санъат оламида ўзига хос дастхат қолдиришга улгурганларига қарамай, нихоятда самимий, камтар буладилар, сузлашсанг дилинг ярайди. Баъзилар эса бир-икки чиқишлари эл оғзига тушиши биланқок босар-тусарини билмай, куринганга юқоридан муомала қилишга утиб оладилар. Ҳай-ҳай, бундайлардан нарироқ юрган маъкул. Ҳамиша, ҳар қандай шароитда ҳам инсонийликни, оддийликни, самимийликни сақлаб қолганга не этсин. Назаримда, мен кўпдан ижодидан хабардор бўлган актёр Пулат Мустафоев ана шундай санъаткорлар тоифасидан. Бир неча йиллардан буён Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик Катта театрида ишлаб келаётган бу актёр жамоада, умуман, бошқа ижодкорлар орасида уз урнинга эга бўлган инсон. Театр саҳнасида аллақачон бири-биридан эътиборли, пухта образлар яратиб, мухлислар орттирган. Лекин қачон учратсангиз, юзиди самимият барқ уриб туради. Хушмуомала, бағрикенг, маданиятли, ортиқча дабдабозликлардан ҳоли инсон ва истеъдодли актёр.

Асли Қашқадарёдан бўлган Пулат Мустафоев Чироқчи туманида ўсиб-ўлғайган. Мактабда ўқиб юрганида муаллим Муроджон Акбаров раҳбарлигида бир неча кушиқлар урганиб, турли давраларда айтиб юрарди. Мактаб саҳнасида «Майсаранинг иши» асарни кўйилганда асосий роллардан бирини ижро этди. Уша пайтларда Чироқчида катта иштиёқ ва орзулар билан Тошкентга келган Пулат ака ҳужжатларини Консерваторияга топширди. Уни тинглаб қурган домчалар Аҳмад Одилов ва Георгий Израэлян тайёрлов курсига олиб қолдилар. 1973 йили Консерваторияни муваффақиятли тугаллади. Уша вақтларда бу уқув даргоҳида машҳур композитор Мухтор Ашрафий режисор эди. У киши Пулат Мустафоевга Алишер Навоий номидаги театрда ишлашни таклиф этди. Шубҳасиз, бошловчи актёр учун бу жуда катта ишонч эди.

Театрдаги дастлабки қадамлари ёмон бўлмади. Биринчи рол — «Майсаранинг иши» операсида Чупон партиясини ижро этганида қувончи чексиз эди. Дастлабки дадил қадамдан сунг саҳнада бирин-кетин Тоҳир («Тоҳир ва Зухра»), Улуғхўжа («Дилором»), Мажнун («Лайли ва Мажнун»), Қодир («Гулсара»), Жура («Бурон»), Омон («Мангулик»), Олим («Фидойилар»), шоир Розий («Зебунисо») каби образлар пайдо бўлди. Мухими, Пулат Мустафоев бу даргоҳда Ҳалима Носирова, Саодат Қобулова, Галия Измаилова, Эргаш Йулдошев, Саттор Ярашев каби санъатимиз фидойилари билан бир сафда ишлаб, операнинг ўзига хос томонларини урганди, хонандалик маҳоратини оширди.

Дарвоқе, унинг қўшиқ дастурига ҳам алоҳида тўхталишимизга тўғри келади. Чунки П. Мустафоев театрининг концерт фаолиятида муттасил қатнашиб келаётган хонандалардан. Ансамблга Тошкент давлат Консерваторияси доценти Хусанжон Набиев раҳбарлик қилиб келмоқда. Бу гуруҳ билан бирга хонанда бутун мамлакатимизга, қолверса, МДХ давлатларида, Болгария, Югославия, Олмо-

ния, каби чет мамлакатларда бўлиб қайти. «Биласизми, — дейди Пулат ака, — сафарга чиқишимиз жуда кўп фойдали томонлари бор. Мен, айниқса, уша мамлакат халқларининг муомала маданиятини, санъатини урганишга ҳаракат қиламан».

Албатта, Пулат аканинг концерт фаолияти ҳақида гап кетганда, репертуарига бир назар ташлаш зиён қилмайди ва хонанда репертуари бунга арийдий ҳам. Чунки қўшиқларнинг асосий қисмини мумтоз ашулаларини ташкил этади. «Дугоҳ», «Ушшоқ», «Ироқ», «Сегоҳ», «Гиря»... Яна «Утдим?»», «Сайрона галдим», «Кел-кел», «Санамжон» каби ранг-баранг қўшиқлар, «Отмағай тонг», «Ургилай», «Рубойи», «Эй, қўш», «Айирлими» каби ўзига хос дуэтларни мухлислар ҳамиша ҳузурланиб тинглайдилар.

Шубҳасиз, опера билан миллий қўшиқчиликда бирдек маҳоратга эришиш осон эмас. Лекин Пулат ака ана шу мураккаб вазифани ундаш йўлида тинмай излаб, уз устида ишлаб, маҳоратини чархлаб бораётган санъаткорлардан. Бунда унга театрдаги устозлари, ҳамкасбларининг маслаҳатлари ёрдам бермоқда. Дастлабки устозлари ҳақида гап кетганда Пулат ака бехаттир болагинини, мактаб йилларини эслайди.

— Чунки менинг илк устозларим, мени санъат бустонига бошлаган кишилар отам Элмурод бобо ва акам Бобоқул Элмуродов буладилар. Айниқса, отамнинг илос билан дутор чертишлари болалигимдан халқ оҳанглари қалбимга жо қилган, юрагимга санъатга илк меҳр-муҳаббат учқунларини сочган.

«Уша пайтларда «опера артисти бўлман», деб ўйлаганмидингиз», — деб сўрайман у кишидан.


— Яшириб нима қилдим, оддий бир қишлоқ йигити опера ҳақида орзу қилади, дейсизми? Тошкентга келиб, Консерваторияга киргач, домлаларнинг маслаҳати билан опера солишти бўлишга қарор қилдим. Лекин бундан ҳеч қачон афсусланмайман. Чунки опера — санъатларнинг гултоғи. Жаҳон театр санъатини операсиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода опера мустақил Ўзбекистон санъатининг жаҳон сари юз тўтишида асосий омиллардан биридир. Бундай улуг ишга ҳисса қўшаётганимдан мамнунман.

Урни келиб қолгани учун ўзбек опера санъати ҳусусидаги баъзи мулоҳазаларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Аввало, консерваторияда ўзбек овозлари кам. Ўзбекча таллаффуз борасида яхши иш олиб борадиган кадрлар етишмайди. Опера театрига бориб ишлайдиган талабаларга ўзбекча қочиримлар, нолаларни ургатиш керак. Мен Муяссар синглимизга ўхшаган опера хонандалари кўпайишни истардим. Лекин қўриб турганимиздек, ўзбек куйи — қўшиқларини ҳам бирдек севиб ижро этаман. Шу уринда ансамблимиз ҳақида тўхталмоқчи эдим. Кейинги йилларда концерт фаолиятимиз бироз сусайиб қолганди. Бернора Қориева директор бўлганидан сунг ансамблимиз қайтадан тикланиб, ишлар аста йўлга тушди. Эндиги ниятимиз яхши бир дастур тузиб, мунтазам концертлар бериб боришни йўлга қўйиш. Эҳтимол, радио, телевидениеда ҳам чиқишлар қиларимиз. Ҳар ҳолда, ниятлар катта.

Пулат Мустафоев яхши санъаткор бўлиш билан бирга, катта оиланинг меҳрибон раҳаматиси ҳам. Рафиқалари Холида опа билан икки қиз, уч углини тарбиялашмоқда. Лекин, ҳозирча, уларнинг ҳеч бири дадалари изидан бормани йўқ. Эҳтимол, набиралари боришар буваларининг санъатдаги йўлидан. Буни энди келажак кўрсатади.

Бугун эса Пулат Мустафоев аини куч-гайратга тулиб, санъат пиллаполярларидан баркамоллик сари кўтарилиб бормоқда. Йўлингиз ойдин, серсамар бўлсин!

Гулчехра УМАРОВА



Шу кунларда Ўзбекистон Театр арбоблари уюшмаси ташаббуси билан республика миқёсида актёрлар маҳорати фестивали бўлиб ўтмоқда. Республиканинг барча театрлари ва театр студиялари бу фестивалда иштирок этиш истагини билдиришди. Дастлабкилардан бўлиб ҳайъат аъзолари Йулдош Охунбоев номидаги республика ёш томошабинлар театри жамоасининг машҳур француз драматурги Молер қаламига мансуб «Зураки табиб» асари асосидаги спектаклни кўрдилар. Асарни таниқли драматург Шароф Бошбеков театр жамоаси ва режиссёр Олимжон Салимов илтимосига кура қайта ишлаб берди ва «Учар табиб» деб номланди. Молернинг «Зураки табиб» комедияси сюжети сақлаб қолганини ҳолда, воқеаларга миллий руҳ бериш, уни ўзбек ёш томошабинлари қалбига тезроқ ва тушунарли етказиш мақсадида қатор бадий ва саҳнавий воисталардан фойдаланилган. Асар томошавийлигини, таъсирчанлигини ошириш мақсадида драматург ва режиссёр воқеалар руҳига мос ўзбек маталлари, иборалари, шеър ва қўшиқларини киритганлар.

Молер асарининг сюжети қўшиқчиликнинг ёдида бўлса керак: бойликка муккасидан кетган ота қизини қари, аммо бой-бадаллаб қувғач бермоқчи. Мақсад: қолдан сунг барча бойлик қизига ўтади. Қиз эса ўзга йигитга қўнғил қўйган. Ёшларнинг самимий ва эҳтиросли муҳаббатидан хабардор бўлган қизнинг холавачаси ишларга ёрдам бериш мақсадида бир ҳийла ўйлаб топди. Спектаклда ана шу ҳийла воқеалар ривожига туртки бўлиб, асардаги барча персонажлар воқеанинг ечимига ўзига хос ҳисса қўшадилар. Бу ҳийлани амалга оширишда энг катта юк хизматкор элқасига тушади. Унинг вазифаси табиб қиёфасига кириб, унинг касалга солиб олган қизини кўриш ҳамда унинг отасини бемор қизини шайх ташқарисидида қорбоғда доволанишига ишонтиришдир. Актёр Б.Позилов ижросида хизматкор ўта урдабурон, эпчил, ҳозиржавоб шахс: Актёр ҳаракатидаги эпчиллик, табиийлик, самимийлик қаҳрамон характерини очишда кўл

ванинг катта саҳнавий тажрибаси гўё бу образни осонликча талқин қилаётгандек таассурот тугдиради. Унинг ҳаракатларидаги, ўзбекча айтганда, «чарналик», шиддат ҳамза қаламига мансуб «Майсаранинг иши» комедиясидаги Майсарани эслатади.

Актёр Ҳайитали Низомидинов яратган Куёв образи спектаклнинг энг муваффақиятли образларидан дейиш мумкин. Ёшини яшаб, ошини ошаган, кўзи жираллашиб, қулоғи оғирлашиб қолган бу қа-

ёнларнинг хатти-ҳаракатларида қандайдир юзаклик сезилмайди, улар гўё воқеалар кузатувчисидек таассурот қолдирадлар.

Оммавий саҳналарда театрининг кўпгина актёр ва актрисалари иштирок этишган. Улар воқеаларга шарҳ бериш — муносабат билдириш орқали томошабин ва саҳна уртасида болговчи вазифасини бажаришади. Миллий қизиқиш ва махшарабозлар кийимларидаги актёрларнинг хатти-ҳаракатлари саҳна воқеаларини жонлантириб, томошавийлигини оширишга хизмат қилган. Спектаклдаги кўринишлар уртасида пантомимо ва ҳаракатларни тезлаштириш воситасида актёрларнинг ҳаракатга келтириш ҳам эътиборга лойиқ. Айтиш лозимки, спектаклда қўлланган бу услуб янги эмас. Фаргона театрининг «Тошкентта саҳна» спектаклидагидек бу ерда ҳам айнан томошавийликни ошириш мақсадида қўлланган сезилиб турибди.

Хуллас, рассом Шўхрат Абдумаликовнинг миллий рудага беэҳтиборлиги, бастакор Анвар Эргашев яратган куй, режиссёр ечимлари актёрлар ижросида узининг ифодасини топиб, бундан турт аср илгари Францияда яратилиб, ушандан бери дунёнинг турли мамлакатларида саҳнага қўйилб, қанчадан-қанча халқларни қулдириб, ўйлашга мажбур қилган бу асарнинг ўзбек ёш томошабинлари қалбига ҳам яқин ва тушунарли бўлишига ёрдам берган. Шунинг учун бу спектакл ёш томошабинларнинггина эмас, ҳатто катталарнинг ҳам эътиборини жалб қила олади, деб ўйлаймиз.

Дилфуза РАҲМАТУЛЛАЕВА, санъатшунослик фанлари номзоди

«ТАБИБ» ЯНА ХИЗМАТДА

Тақриз

Келган. Бир вақтнинг ўзида ҳам хизматкор, ҳам табиб образларига қира олиши, овоз пардалари, имо-ишоралардаги ўзгаришларни беришда режиссёр актёр имкониятларидан оқилона фойдаланишга интилган.

Спектаклда ота образини актёр Х.Тошпулатов яратган. У ўта меҳрибон, ишонувчан, фарзандини бой қувғач бериб, унинг бойлигини қизига ўтказиш орасида ёниб, ҳаракат қилувчи ота образини яратган.

Саҳна асаридида қизнинг холавачаси катта вазифани бажаради. Икки севинган ёшни бир-бирига етиштириш учун ўйлаган режасини амалга ошириш мақсадида ҳаракат қилар экан, унинг савобли ишига томошабин хайрхоҳ бўлиб, режасининг тезроқ амалга ошишини истаиди. Актриса Гулчехра Саъдуллаева

— Энг юксак тоққа ҳам ўзига яраша «пиллапоя»лардан чиқасиз, — дейди санъатнинг йўлини таърифлаб Ҳаким ака. — Машҳур ҳофизлар ҳам аввало оддий ҳаваскор бўлганлар. Демак, санъатимиз доврўгини ошириш учун аввало бадий ҳаваскорлик мактабларини яратиш, шунга

Икки оғиз бир сўзи

мол, айрим муаммолар, ўзига яраша «тусик»лар ҳам учрагандир. Бироқ, чинакам интилганга толе ёрлиги рост

УМР ТАРОНАЛАРИ



эътиборни қаратиш муҳимроқдир. Агар фақат уз санъатини ҳақида ўйлаб, шону шухратта интилганимда, шунга етарли имкониятнинг бор эди. Санъатимиз даргоҳлари ҳамиша истеъдодлар учун очик. Эҳти-

эътиборни қаратиш муҳимроқдир. Агар фақат уз санъатини ҳақида ўйлаб, шону шухратта интилганимда, шунга етарли имкониятнинг бор эди. Санъатимиз даргоҳлари ҳамиша истеъдодлар учун очик. Эҳти-

экан. Хуллас, санъат саҳнасида кўпроқ ёш истеъдодларни олиб чиқиш иштиёқи пайдо бўлгани ҳамона шу эзгу ишга киришилган. Чинакам истеъдодлар халқ орасида қўллаб топилшига ишонганман. Шўхратаналар бўлсинки, интилишимиз зое кетмади... Ҳаким Нишонов пойтахтимиздаги катта-катта қорхоналарга таширғи бориб, Маданият саройларида бадий ҳаваскорлик ансамбллари ташкил этар ва ушунинг учун раҳбарлик қиларди. Чалов номидаги Авиация орасида чиқариш заводи, Тошкент тикувчилик фабрикаси, «Кизил тонг» тикувчилик фабрикаси, қўллаб ўқув юртлири Маданият саройлари қошидаги бадий-ҳаваскорлик ансамбллари унинг меҳнати самарасидир.

1959 йили тақдир Ҳ. Нишоновни Қирбай туманидаги Дурмон қишлоғи томон етказди. Бу ерда санъатга ихлосманд ёшлар талайгина экан-у, бироқ уларга «пиллапоя» бўлиб қолган бадий-ҳаваскорлик ансамбли ва нуносиб мураббий етишмай турган экан. Шундай қилиб, Ҳаким ака бир пайтлар номигагина ташкил этилиб, тез орада тарқаб кетган «Дустлик тароналари» ансамблини зудлик билан тиклади. Хушоовез ёшларнинг қувончлари чексиз эди. «Дустлик тароналари» ёш ҳаваскорларнинг ҳақиқий таронасига

Узбекистон халқ артисти, фидойи санъаткор Ҳаким ака Нишоновнинг қўсини қўллаб ордени ва медаллар беэаз турибди. У кишининг меҳнатлари нуносиб тақдирланган. Сақсонинчи баҳорини қаршилаганда ҳам қуй-қўшиққа ошно бўлиб юрган Ҳаким аканинг тароналари ҳавти мазмунига айлиниб қолган.

Абдухамид ФОЗИЛОВ, Тўлқин ЭШБЕК

ҲАВАСКОР РАССОМЛАР КЎРТАЗМАСИ

Куни кеча Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти биносида Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданият-маърифий ишлар Республикаси маркази, Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этган кўргазмага ундан зиёд ҳаваскор рассомларнинг асарлари қўйилган. Асосан, Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб чизилган асарлар орасида тошкентлик ва бухорлик иқтидорли ҳаваскор рассомлар Б.Авезов, М.Бурунов, Д.Ҳакимов, Ю. Елмуратов кабиларнинг муйқалам намуналари йилгиланларда катта таассурот қолдиради. Кўргазма бир неча кун давом этади. Унда 17 ёшли ҳаваскор рассомлардан тортиб, турли соҳа вакиллари, ҳатто нафақадор ҳаваскор муйқалам соҳибларининг ҳам асарлари намойиш этилмоқда. С.Дусоновнинг «Қовун бозори», «Хуроз уруши», К.Ибрагимовнинг «Оқтош», «Уйғониш», «Эски қўча», «Манзара», А.Тулагановнинг «Момо», З.Саманджоннинг «Қоя» каби турли мавзудаги ишлари профессионал руҳга яқинлиги билан диққатни тортади. — Кўргазмада бир неча иқтидорли ёш рассомларнинг асарлари асосий урнини эгаллаб турганлиги бу соҳада ҳам келажакда умидли ёшлар борлигини далил беради, — деди кўргазма ташкилотчиларидан бири Дехқонбой Хусанов.

Хикматуллох ҚОДИРОВ

ЮРАГИДА

Набижон акани анчадан буён танийман. Тошкентда баъзан ҳофизлар, баъзан ёзувчилар даврасида тез-тез учратиб қоларман. Шунинг учун санъат ёки адабиятга алоқадор бирор касб эгаси бўлса керак, деб юрардим. Чунки уни танисам-да, қаерда яшайи, нима иш қилиши билан ҳеч қизиқмагандим.

Бир куни яқин дўстимнинг тўйида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Маъмуржон Тўхташоевнинг хизмат қиладиган бўлди. Ярим кечаси Қўйликча чиқиб ҳофизини кутиб олдим. Маъмуржоннинг ёнида Набижон ака ҳам бор экан.

— Риштоннинг машҳур кулолларидан, — деб таништирди уни Маъмуржон.

Шунда билдим унинг санъаткорлари ёзувчилар билан нега ошнолигини. Ахир, кулолчилик ҳам санъатнинг бир тури, тури бўлганда ҳам энг қадимий турларидан-ку. — Авлодимизда кулол ўтмаган, — дейди Набижон ака Қодиров. — Лекин Риштон кулоллар юрти. Шунданми, ёшлигимда кулолчиликка қизиқиб қолдим. 12 ёшимда Йулдошали Эргашев деган машҳур устага шоғирд тушдим. Умуман, уста бўлиб шаклланишимда Фанижон Хайдаров, Иброҳимжон Комилловларнинг ҳам улуши бор.

1978 йили Набижон ака ҳарбий хизматдан қайтиб келиб ўз ишини давом эттирди. Бу даврда уста бўлиб танилиб қолган эди. Аммо энди аъёнанинг усулида лаган, қоса, пилёла ясаш унга қизиқ бўлмади қолганди.



қатори лаган, қоса тайёрлаб сотиб юришим мумкин эди. Аммо менга бунинг унчалик қизиғи йўқ. Чунки мен ноънаввий бўюмлар ясашни яхши кўраман.

Набижон Қодиров чойхонада давра қўриб ўтирган отахонларни, эшак миниб кетаётган афандинамо чол ёки урқуқ йиғириб ўтирган момонинг шаклини завок-шавқ билан ясайди. Булар оддий қўнғирқоқ ёки ўйинчоқлар эмас, ҳар бири алоҳида бадий асар. Набижон Қодиров уларни шу даражада ярата олган. Чунки у қаҳрамонларини ҳаводан олмайди. Ҳар куни қўрадиган, уршадиган, сўхбатлашадиган, чойхонада бирга ўтириб палов-хўрлик қиладиган отахонлар, одамлар унинг қаҳрамонлари. Шунинг учун асарлари жонли, ҳеч бир қишқини бефарқ қолдирмайди.

Бу одам фақат кулол эмас, шеър ҳам ёзади, қўшиқ ҳам айтади, қизиқчилик ҳам қилиб кетаверади. Шунинг учун Анвар Обиджон ёки Теша Мўминовнинг Риштон тарафларига йўли тушиб қолса, албатта, Набижон акани кўриб ўтади. Набижон Қо-

ДАРДИ БЎЛМАСА...

дан-йилга турли хил гишт заводалари қурилиб, бу ноёб тупроқ исроф қилинмоқда. Ўзингиз ўйлаб, битта гиштга кетган тупроқдан қанча санъат асари яратиш мумкин.

Республикамизда Риштондан ташқари Самарқанд, Ургут, Хива каби бир қанча кулолчилик мактаблари мавжуд. Яқин-яқингача уларда асосан бир хил маҳсулотлар тайёрланарди. Сўнгги йилларда Риштон кулолчилигида ўйинчоқчилик ривожланиб кетди. Бу маҳсулотлар ҳатто чет элларга ҳам сотилмоқда.

— Туркия телевидениесининг «Овросий» канали кўрсатувларини қузатган бўлсангиз, бошловчининг ёнидаги столда доимо бешта хайкалча туради. Шулларнинг иккитаси меники, — дейди Н.Қодиров. — Бундан жуда фахрланаман. Истагим, чет элларда кўргазмалар ташкил этиб, ўзбек кулолчилик санъатини уларга кўрсатиш. Президентимизга раҳмат, биз хунармандларни беш йилга солиқдан озоди қилдилар. Уйлайманки, энди бу қадимий хунармандчилик турининг мамлакатимизда яна ҳам ривожланишига кенг йўл очилди.

Бекқул ЭГАМКУЛОВ



ҲАМЗА УМАРОВНИНГ МУҲЛИСИ

ёки қайтаётган қадриятлар хусусида

Халқ артисти Тўлқин Тожиев нега қуринмай қолди? Мен уни кеча оқшом бир тўй баъзида учратдим. Одатдагидек, келин бироз ҳаялланган келди. Биз — беш-олтида ҳамкасблар, тўй баҳона хонадон эгасининг санъатор дўстлари билан ҳуб мириқиб сўхбатлашдик. Тўлқин ака театр санъатининг йўлчи юлдузларини эслади. Улар саҳнада қандай яшаганлар, ҳаётда не рушнолик қуришган, ижодий муваффақиятлари қай қўқиларга кўтарилгану қандай тугаган — шулар тўғрисида гап кетди.

Кузатиб турибман. Купроқ Шукур Бурхонов эсланди. Наби Раҳимовни эсланди. Ундан кейин Саъдийхон Табибуллаев, сунг Ҳамза Умаров. Мен раҳматли Сойиб Хужаев, Машраб Юнусовлар билан бўлган мулоқотларимни, Сойиб аканинг бир қизиқ гапини айтиб бердим.

«... Собиқ «Ёш ленинчи»дан Сойиб аканинг олдида интервью олгани боргандим. Театрга борсам, у киши репетицияни тугатиб уйларига қайтган эканлар. Тортинмай боравердим. Мухбир бўлиб ҳали бунақа машҳур одамнинг олдида, яна денг дастурхонда ўтириб гапашган эмасман, бироз ҳаяжоним бор. Сойиб ака буни сезиб, «Э қанақа боласан ўзи, ол дегандан кейин олавер-майсанми?», дея баттар хижолатимни оширади. Ушанда у киши «Э ука, мана бу бошга қара, ўтган кунни спектаклни тугатиб уйга қайтаётсан битта безори тош отиб бошимни ёрди. Шу ёриқ бош билан саҳнага чиқаман, Ташболта бўлиб! Мана, салкам қирқ йилдан бери одамларни қулдираман. Ҳа, энди, сизлар ҳам мени бирор марта қулдиришлар-да. Уйнинг шипига қара, чакка ўтиб ётибди...» дегандилар.

Тўлқин Тожиев — кечаги унинг ранг-баранг ролларини қойилмақом қилиб ижро этиб юрган, ноёб ва

мафтунок овози билан ҳаммамизни ром этган актёр — бугун нафақада. Театр бу гал дам олишга кузатиб қўйиш маросимини жойига қўйди.

Очигини айтиш керак, бутун умрини саҳнада, ижод тулғоғида утказган, олқишларга қумилиб, машҳурлик шаробидан анча-мунча тотиб юрган санъатор нафақага чиққан нима иш билан шугулланади? Бунақа одамларнинг қўлидан ҳужалик ишлари, даллолик келими савдогарлик келмайди. Махаллага бош-қош бўлишлари ҳам қийин. Негаки, жамиятимизнинг бу кичик ячейкасида маҳалла аҳли ҳаётига тааллуқли катта-кичик ишлар муҳокама этилаётган бир пайтда улар саҳнада бўлишган. Демакки, тақлиф қилишса тўйга, кечки базмларга, купроқ меҳнат жамоаларидаги учрашувларга боришадди.



оша образининг узи ҳар қандай ҳамду саного этиб ортади. Яқинда, ҳаётдан бевақт кетган шу аjoyиб санъаторнинг муҳлисари-дан бири у киши дафн давлат беради, у ёки бу санъатор винки адибнинг хотирасини давлат абадийлаштиради, дея қўлуштиради ўтиришга урганиб қолганми. Бузилиб ётган куприкни давлат тузатиши керак, биз кечаси йўл ёқасига инсофизларча ташлаб кетган ахлатни давлат муассасаси ташити керак. Ариқни давлат қазади, давлат кучларга сув тарайди. Бизнинг давлат туғрисидаги тушунчанимиз куп ҳолларда мана шундай тор қобикқа ўралиб қолган. Давлатимиз зиммасида, шубҳасиз, эл-юрт фаровонлигини таъминлаш масъулияти бор. Буни биз мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримовнинг серқирра фаолияти-да аниқ-равшан қўриб турибмиш. Аммо бу дегани фуқароларнинг жамият олдидаги ижтимоий фаолигини мутлақо чекламайди. Бинобарин, шу юқоридаги ишларни узимиз уз таъминимиз билан қилишимиз керак. Биров айтишимиз, танбёх бериб эслатишимиз кутиб утирмасдан қилишимиз керак.

Мана, битта азамат ўз ҳисобидан ўзи севган актёрига ҳайкал ўрнатибди. Отасига минг раҳмат. Эътироф этадиган бўлсак, бизда ҳозир кучаларни ўз ҳисобидан обод қилаётган, масжид-мадраса қураётган, мактабларга, боғчаларга, болалар уйлари-га ёрдам қилини чўзаётган саховатпешалар эъзас. Шундай бўлиши керак ўзи. Бир вақтлар Фарбда кенг тарқалган «меценатство» ҳаракатининг бешиги асли Шарқ бўлади. Одобли, онгли хотамтойлик ҳамма вақтларда ҳам шарқликларга хос маънавий фазилат ҳисобланган. Хотамтойлар хайр-эҳсонларини кўз-кўз қилишмаган. Фалончи ундок қилибди, бундоқ қилибди деб ном чиқаришга интилишмаган. Унг қўлларидан узатганларини чап қўллари билмаган.

Мустақиллик шарофати билан бизга ота-бобола-римизнинг шу гўзал фазилатлари ҳам қайтаётгани ҳаммамизга кутлуг бўлсин.

А. МЕЛИБОВ

Абдунаби ҲАЙДАРОВ

КУНЛАРДАН БИР КУН ВА ҲАР КУН

Биламан, бунақа хангомаларга сиз ахён-ахёнда, аниқроғи, кунлардан бир кун тасодифан дуч келасиз. Ҳаётда эса улар ҳар кунни, ҳар қадамда тез-тез такрорланиб туради.

МАҲУЛИШИДА

Бу воқеага 14 йилдан ошди, аммо ҳали-ҳануз ёдимдан чиқмайди...

Авхи ёз эди. Тонг саҳарлаб хизмат сафарига отлангандим. Янги «ЛАЗ» салқин ҳавони тилиб катта йўлдан олган интиларди. Мен, дераза ойнасида ташқарига боққанча, ётоғидан бош кўтариётган офтобни, аста-секин нурга чулганётган дала-ларни томоша қилиб борардим. Назаримда, бутун олам сукунатга чумгандай, табиат унсиз бир қўшиқни қўйлаётгандай эди.

Бир маҳал ҳаёлим бўлинди. Автобус Оққўрғон муолишига етганда тақа-тақ тўтади. Ҳайдовчи моторни ўчириб, иккала эшикни ҳам ланг очаркан, эълон қилди: — Беш минут перекур! Кейин далше кетамиз.

У шундай дея сумкачиси билан ҳужжатларини қўлига олди. Сунг пастга тушиб, машина гилдирақларини бир-икки телиб курди-да, бизда наридаги нозимкона томон юрди. Худди шу пайт автобустга олдинги эшикдан озгин, новча бўйли бир одам билан етти-саккиз ёшлар чамасидаги нимжонгина қизалоқ чиқа бошлади. Бир қарашда англадим: ота-бола тиланчилар. Аф-ангорлар, уларни туттириш шундан далолат бериб турибди. Айниса, қизалоқнинг қурини эшик афтоҳлоқ. Кийиллаверганидан ранги униқиб кетган узун қўйлагининг гуллари билинмайди, этаклари йиртилган, кир-чир. Тўғриси-нинг ўчлари кўчган. Тўзгинмалла сочларига яқин орада тароқ тегмаган. Офтобдан қорайган юз-қўлларини тарам-тарам ёрилган. Отасининг ранг-руйи ҳам уникидан авло эмас. Эғнида солдатларнинг ташландиқ кийими. Оғвида кунжи кесилган кир-за этик. Бошида ийғи чиққан кепка. Соҳ-соқоллари усиклигиндан ёшини билиб ҳам бўлмайди. Боқишлари

рос тер қуйиларди. Хайрият, эрталабки муолиша келганмишда бу Ҳайдовчи ҳам беш минутлик «танаффус» эълон қилди. Купчилик туша солиб узини йўл четигаги дарахтлар соясига урди. Беш-олти киши эса, сув дукончасига қараб юрди. Мен ҳам уларга эргашдим. Чанқогимни қондирғач, юз-қўлимни чайиб олиш мақсадида, дуч-кочка ортидаги ариқ томон утдим. Утишим биланок, купогимга инграшга ўхшаш овоз чалинди. Қарасам, пиво бочкалари турган жойда бир одам юзтубан тушиб ётибди. Устбоши чанг, ҳаммаёғига хас-хашак илашган. Қўнжи кесилган бир пой этиги оёғидан тушиб қолган. Чап қўлида гижиланган кепка, иккинчисидан винодан бўшаган шиша. Ҳар замон-ҳар замонда бошини кўтариб, алланымалар деб гудраниб қўяди. Ун-ун беш қадам нарида эса рангпар, нимжонгина қизалоқ, у ҳал сураятими ёки ухлаб қолгани, билиб бўлмайди. Пашага талланган куйи толга суяниб утирибди.

Унга диққат билан тикилар эканман, юзларида аланечук ширин жилмайиш қотиб қолганини ҳис этдим. Шу топда қўлоқларим остида зардали овоз эшитилгандай бўлди: — Сиз нимани ҳам билардингиз? Мен уни ҳар кунни кураман. Боласи номини сотиб кун қўрғанидан одамнинг улгани яхши эмасми?

«НУ, ЛАДНО, ПОКА»

Тил тўғрисидаги қонун қандай бажарилаётганига бағишланган анжуман қиз-ғиз баҳс-мунозаралар руҳида ўтди.

Йигилиш тугагач, таассуротларини сураб, икки-уч киши билан сўхбатлашмоқчи бўлдим. Биринчи бўлиб 50 ёшлар чамасидаги туладан келган, ораста кийинган аёлга мурожаат қилдим.

— Вой, сиз корреспондентимсиз? — деди у мударомни англагач, қўвонч билан. — Менинг мениямни сураясизми? Майли, от души айтаман. — Авл томоқ қилиб олиб, овозига жиддий тус берди. — Собрание ёмон ўтмади. Докладчи ҳам, обсуждениеда сузга чиққанлар ҳам актуалний проблемаларни ўртага ташладилар. Так что, бунақа массовий мероприятелиарни тез-тез организоват қилиб туриш керак!

Англадимки, сўхбатдошим ўз сузига ўзи амал қилмайдиганлар сирасидан. Бунақа олақуроқ тилда гаплашадиганлар, айниқса, санаотчилар, қурувчилар, транспортчилар орасида купчиликни ташкил этишадди.


— Кечирасиз, опа — дедим шуни назарда тутиб, — сиз қайси соҳа вақилисиз? Иш жойингизда қонун қандай бажарилаётгани ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Меними? — Авл ажаблангандай бир лаҳза тин олди. — Педагогман. 25 йиллик стажга эгаман. Ҳозир мактабда завучлик қиламан. Ҳам қўри кассаларга дарс бераман. Энди, иккинчи саволимизга келсак, коллективимизда Тил тўғрисидаги законни бажариш учун катта ишлар қилинаётти. Буни билмоқчи бўлсангиз, яхшиси, мактабимизга бориңг, ҳаммасини от и до уз кўзингиз билан кўрасиз. Ҳа, айтгандай, координаторларимизни эслаб қолинг. Сквердан Юнусовда борадиган лубой маршрутдаги транспортга ўтирасиз. Мостдан ўтгач, биринчи остана-када тушасиз. Кейин ёнбошга қараб юрсангиз, угулда битта қирпичий эзданиени кўрасиз. Ана уша типовой бино бизнинг мактаб бўлади. Вдруг, мен «Учительская»да бўлсам, приёмная секретаркадан сурасангиз, срочно топиб беради.

— Раҳмат, опажон! — Сўхбатдошимдан тезроқ қутулиш тараддуғида тушдим. Қарасам, барибир ҳали-вери гапдан тўхтайдиганга ўхшамайди. Узига монанд тилда ваъда беришдан ўзга чорам қолмади. — Насиб этса, мактабимизга оязбатлол утаман, сизлар ҳақингизда сўзлаб бераман.

Авл иккинчиси тушунмади шеклини, мен билан эски қадрдонлардай очилиб-сочилиб хайрлашди: — Вой, бориңг, укажон, бориңг. Ишимизни пресса орқали пропаганда қилсангиз-чи, вес коллективимиз худранд бўлади. Ну, ладно, пока!

ЙИГИТНИНГ ҚАНОТИ — ОТ ОМОН БЎЛСИН!



Ушанда галати ҳолат руй берди. От спорти бўйича ўтказилаётган мусобақада Узбекистон жамоаси иккинчи ўринга тушиб қолди. Гарчи очколари тенг бўлса-да, тожикистонликлар битта тул қўл киритганликлари боис биринчи ўринни эгаллаб туришарди. Вазият жиддий: уйин тугаган, фақат чемпионни аниқлаш қолганди. Ҳакамлар қарорига қура, иккала жамоа яна куч синашадиган бўлди.

Полвонларимизнинг бири жароҳат олган, урнига бошқа одам топиш зарур эди. Мураббийлар ҳар томонга тарқаб кетишди, бироқ бу ишнинг улдасидан чиқилмади. Шунда Босим полвон Муродқосимов билан Ҳолмат полвон Ҳолтемиров мутасаддигарга улоқ чопадиган ёш полвон топиб келишга ваъда беришди ва сал ўтмай уни етаклаб келишди.

— Зоминнинг Бешкуви қишлоғидан, — дея таништиришди.

Мусобақа раҳбари ёш полвонга назар соларкан: — Йўқ, бўлмайди, бошқасини топинглари! — деди.

— Агар шу йигит чопмаса, биз ҳам майдонга кирмаймиз, — деди иккала полвон бир овоздан.

Таниқли полвонларнинг ёш йигитчага бунчалар илтифот курсатиши вазири уйлантириб қўйди.

— Майли, бир курайлик-чи, — деди ишонқирамай.

— Новча бўйли, сариқдан келган, қўллари катта-катта, қўллари узун, бармоқлари йўгон бу йигитнинг нима учун мутасаддигар маъқул келмаганини ҳеч ким тушунмади. Сўлбуки уша пайтларда Султонхон Асроров алақадан эл оғига тушиб, бир қанча совринлар олганди.

Мусобақа бошланди. Ҳа-

вон хавфли! — деди Султонхоннинг орқасидан изма-из от чоптириб келаятган Босим полвон.

Маррага яқинлашганда Али полвон қўнундай учиб келди-да, Султонхоннинг отини уриб юборди. Бундай бўлишини кутмаган Султонхон мувозанатини йўқотиб, йиқилиб кетишига сал қолди. Хайрият, абжирлиги қўл келди. Оти билан узини унглаб олди.

Ҳаял ўтмай марра қуринди. Яна бир ғайрат қилса, кифоя, галаба уники. Бироқ изма-из келаятган Али полвон яна унинг отини йиқитмоқчи бўлди. Султонхон унга чап бериб

кетди. Улоқни эсон-омон пакча келтириб ташлади. Узбекистонлик полвонлар қувончдан ҳайкириб юборишди, минглаб муҳлислар уриларида туриб кетишди...

Бу воқеанинг бўлиб ўтганига кўп бўлса-да, Султонхон Асроровнинг кечагидек эсида. Катта-катта мукофотлар соҳиб, Узбекистон республикаси спорт устаси унвонини олишга муваффақ бўлган Султонхон Асроров ҳамон полвонлик либосида. Жиззас воҳаси томонларда буладиган қўшарларда ҳозир нозир. Фақат аввалги от спорти мусобақаларининг йўқ бўлиб кетганидан кўп афсусланади.

— Э, сиз қўйинг-е, ака! — Авваллари бир қанча мусобақалар бўларди, — дейди у биз билан сўхбатда. — «Сурпапах» (баскетбол), «Човган» (от устида хоккей), пойга сингари уйинлар бўйича мамлакат биринчиликлари ўтказиларди. Ҳар бир уйинчи мусобақага ўз оти билан қатнашарди. Отларга ем-ҳашак берилмасди, фақат мусобақа ўтказиладиган кундагина бериларди. Ҳозир ҳам шахсий оти бор полвонлар куп. Фақат уларнинг бошини бир жойга қўвуштириш лозим. Узбекистоннинг довуруғни оламага таратадиган вақт келди.

Сузи билан иши бир полвон айти кунда ҳам ўз отига эга, улоқни отларни ўзи парваришлайди. Яхши байтал топиб қорабайор отларга қочиради, ишончли қўлун олади, қўлунини улоқ чопишга ургатади. Полвоннинг диди баланд, от танлашши билади. Агар шарт-шароит яратиб берилса, туманда отчилик мактаби яратиши мумкин.

Бир вақтлар Босим полвон Муродқосимовга шогирд бўлган Султонхон полвонлик сирларини ўғли Орзихонга ўргатади. Орзихон катта-кичик қўшарларда қатнашиб, бир неча марта соврин олишга муваффақ бўлди, эл оғига тушди.

Бешкувилик шоир Мусурмонқул Умрзоқов ҳамқишлоқ полвонларга атаб қўйидаги шёрни эзидди:

Аллоҳа бехисоб шуқурлар бўлсин, Мустақил элимиз нурларга тўлсин! Қадриятлар тикланди, эл омон бўлсин, Бедов отлар бевакт ўлмасин энди, Йигитнинг қаноти — от омон бўлсин!

Эгамберди УРОКОВ

— Авваллари бир қанча мусобақалар бўларди, — дейди у биз билан сўхбатда. — «Сурпапах» (баскетбол), «Човган» (от устида хоккей), пойга сингари уйинлар бўйича мамлакат биринчиликлари ўтказиларди. Ҳар бир уйинчи мусобақага ўз оти билан қатнашарди. Отларга ем-ҳашак берилмасди, фақат мусобақа ўтказиладиган кундагина бериларди. Ҳозир ҳам шахсий оти бор полвонлар куп. Фақат уларнинг бошини бир жойга қўвуштириш лозим. Узбекистоннинг довуруғни оламага таратадиган вақт келди.

Сузи билан иши бир полвон айти кунда ҳам ўз отига эга, улоқни отларни ўзи парваришлайди. Яхши байтал топиб қорабайор отларга қочиради, ишончли қўлун олади, қўлунини улоқ чопишга ургатади. Полвоннинг диди баланд, от танлашши билади. Агар шарт-шароит яратиб берилса, туманда отчилик мактаби яратиши мумкин.

Бир вақтлар Босим полвон Муродқосимовга шогирд бўлган Султонхон полвонлик сирларини ўғли Орзихонга ўргатади. Орзихон катта-кичик қўшарларда қатнашиб, бир неча марта соврин олишга муваффақ бўлди, эл оғига тушди.

Бешкувилик шоир Мусурмонқул Умрзоқов ҳамқишлоқ полвонларга атаб қўйидаги шёрни эзидди:

Аллоҳа бехисоб шуқурлар бўлсин, Мустақил элимиз нурларга тўлсин! Қадриятлар тикланди, эл омон бўлсин, Бедов отлар бевакт ўлмасин энди, Йигитнинг қаноти — от омон бўлсин!

Эгамберди УРОКОВ

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЕЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОМПАНИИ

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Кабулхона телефони — 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа компани босмаханаси. Манзил: Тошкент шаҳри, «Буёқ Тўрон» кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Аҳмадҷон МЕЛИБОВ

Редакцияга келган қўлэмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилабди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир — Рустам МУСУРМОҢОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН